БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 10 март Шанба
№ 48 (13. 484). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •



Поп ноҳиясидаги «Навбаҳор» давлат хўжалигида бу йил 2700 гектар ерга барака уруғи қадалади. Чўлқуварлар ҳар гектар ердан 18 ўрнига 22 центнердан «оқ олтин» етиштиришни кўзлашмоқда. Шу боис хўжаликда қишки дала ишлари ва техника ремонтини уюшқоқлик билан ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Комсомол аъзоси Рустамжон Аҳмедов ҳам ана шу ишга ўз ҳиссасини қўшаяпти.

Суратда: моҳир созловчи Р. Аҳмедов.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР

НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТЎРАҚЎРҒОН НОҲИЯСИДА БИР МИЛЛИОН СЎМ ТУРАДИГАН ҚИШЛОҚ БЎМ-БЎШ ЁТИБДИ.

Тўрақўрғон ноҳиясида яшаётган беш минг оила ер олиш ва ерларини кенгайтириш учун навбат кутмоқда. 160 нафардан кўпроқ киши ноҳия марказининг ўзида уй олишга ариза берди. Бу рақамлар кишида унча таассурот қолдирмайдигандек кўринади, лекин улар ноҳияда ерлар асосан тақсимлаб бўлинганидан сўнг юзага келган аҳволни акс эттиришини ҳисобга олиш керак.

— Бундай аҳвол тез орада йўқолади,— дейди ишонч билан Тўрақўрғон ноҳия ижроия комитети раисининг ўринбосари З. Асқарова. — Биз ишлаб чиққан «Уй-жой» комплекс программасига биноан ҳар бир йирик корхона, ташкилот яқин икки йил мобайнида ўз ходимлари учун типовой уй-жойлар қуради. Албатта, буларнинг ҳаммаси учун пул керак. Зарур маблағлар излаб топилади, деб ўйлайман...

Маблағлар ҳақиқатан ҳам топилишига шубҳа қилмаса бўлади. Бу ишда тўрақўрғонликлар катта тажриба орттиришган. Бошқа нарса кишини сергаклантиради: ана шу маблағларни ўз ўрнида сарфлай олишармикан? Чунки Тўрақўрғон ноҳиясида уй-жой қурилишига сарфланган жуда катта пул бекорга совурилган пайтлар ҳам бўлган. Масалан, Қодиробод қишлоғи пайдо бўлди, унинг ярми бўм-бўш ётибди.

Қишлоқ 1985 йилда қурила бошлаган, бунда ноҳия партия комитетининг ўша вақтдаги биринчи секретари ташаббус кўрсатган, қишлоққа ундан эсдалик бўлсин, деб секретарнинг номини қўйишмоқчи эди. Ноҳия марказидан 15 километр узоқликдаги бўш адир ерларда янги даҳани вужудга келтириш ғояси аввалига жуда қизиқарли туюлди. Бу ерда қурилиши керак бўлган уй-жойлар партия XXV съезди номли ва Киров номли колхозларга мўлжалланганди. Ҳар икки хўжалик олдиндан узоқ муддатли қарз китобчаларини очиб, ана шу мақсад учун пул ўтказди. Партия XXV съезди номли колхоз 350 минг сўм, Киров номли колхоз 700 минг сўм пул берди. Бош пудратчи — «2-Узагропромстрой» трестининг Тўрақўрғондаги 148-механизациялашган кўчма колоннасига ҳамма биргалашиб ёрдам берди; ноҳиядаги бирор муассаса ва корхона янги қишлоқ қурилишидан четда қолмади. Жуда қисқа муддатда уйлар бунёд этилди. Бинобарин, бу уйлар одатдан ташқари режалаштирилган — ҳар бир оила икки қаватли алоҳида уйга кўчиб ўтиши керак эди. Одамларни бу уйларга кўчириш вақти етганида хоҳловчилар умуман йўқлиги маълум бўлди...

Бунда янги қишлоқнинг Тўрақўрғон шаҳридан, иккала колхоз марказидан узоқлиги ҳам муайян даражада салбий аҳамият касб этганлиги маълум. Айни вақтда қишлоққа ҳали ҳам автобус қатнамайди. Ҳозир эса автобуслар қатновини . йўлга қўйишнинг ҳожати йўқ: қишлоқ деярли бўм-бўш ётибди.

Партия XXV съезди номли колхозга тегишли уйлар жойлашган биринчи участкада қуриб битказилган 25 та ва битказилмаган 14 та уйга аввал бошданоқ атиги 12 та оила кўчиб келган эди. Ҳозир эса яшаётган оилалар яна камайиб кетди. Атиги... тўрт оилагина вақтинча истиқомат қилмоқда. Киров номли колхозга қарашли иккинчи участкада аҳвол бир мунча дуруст. Қуриб битказилган 55 та ва ҳали тугалланмаган 33 та уйнинг 22 таси банд қилинган. Уйларнинг деворлари ёрилиб кетган, ҳаммаёқда сувоқлари кўчиб ётибди, уларнинг аянчли аҳволини кўриб юрагингиз ачишади.

— Хўш, одамлар нима учун бу уйларда яшашни хоҳлашмаяпти? Қишлоққа шунчаки назар ташласангиз, бунинг сабабини тушуниб оласиз. Ҳар бир уй алоҳида майдончага — ўзига хос тепаликка қурилган. Бир уй баландликда, иккинчиси эса ундан сал пастроқда. Улар тепаликлар бағрида гўёки тебраниб тургандек кўринади.

— Наҳотки, бунинг олдини олиш мумкин бўлмади? — сўрайман ноҳия архитектори Н. Бурнашевдан.

— Қурилиш бошлаш олдидан ерларни текислашга доир бутун бир туркум тадбирларни амалга ошириш зарур эди, — дейди у менга жавобан, — лекин бундай қилинмади. Воз устига, ернинг ўзи уй-жойлар қурилиши учун яроқсиз эканлиги маълум бўлди.

Ҳувиллаб ётган қишлоқнинг ҳамма ерини шўр босиб кетган. Зовур тармоқлари ўз вақтида ётқизилмаслиги оқибатида хоналарнинг ичидан сув сизиб чиқмоқда, бу эса уйларнинг аста-секин ўтириб қолишига сабаб бўлмоқда. Қишлоққа водопровод ҳам келтирилмаган. Аҳолига фақат 1992 йилда ичимлик суви келтирилишини ваъда қилмоқдалар. Ижтимоий муаммолар ҳам бартараф этилмаган. Бутун қишлоққа биттагина кичик озиқ-овқат дўкончаси хизмат қилади, у ердан керакли нарсаларингни ҳар доим ҳам сотиб ололмайсиз. Аҳоли билан узоқ борди-келдилардан сўнг мактаб очиб беришди. Кишилар яшайдиган уйга жойлашган бу мактабда болалар фақат 4-синфгача ўқишади. Болалар боғчаси бор эди, юлдуз кўрмай жон берди — ҳозир уни ёпиб қўйишган.

— Энди нима қиламиз? — дейди ғазабланиб колхоз аъзоси, уч боланинг онаси Сарбар Отахўжаева, — бу ердан қачон кўчиб кетаркинмиз, деб кутиб ётибмиз.

Айни вақтда қурилиш учун миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланган қишлоқ тақдирига район маъмурлари бефарқ қараётганликларидан ажабланасан, киши. Улар ҳамма саволларга фақат битта — одамлар бу ерда яшашдан бош тортишмоқда, деб жавоб беришади. Ахир, уларни бу ерда яшашга мажбур қилиш мумкин эмас-ку. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва жумҳурият Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги машҳур қарорини муайян даражада баҳона қилиб кўрсатмоқдалар. Агар қарор бўлмаганида, одамлар эҳтимол тақдирга тан бериб, бу ерда яшашарди. Энди эса хоҳлашмаяпти. Нега дейсизми? Ахир, ўзлари уй қуриб олишлари учун имконият бор-да, дейишмоқда улар.

Мутлақо бундай эмаслиги яққол кўриниб турибди. Вилоят ва ноҳия раҳбарлари, қарор янгидангина қабул қилинган эди. Қишлоқ эса аввал бошданоқ бўш ётибди. Аҳоли учун энг оддий қулайликлар йўқлиги, қурилиш сифатининг пастлиги, ижтимоий соҳа пухта ўйланмаганлиги кўп одамларнинг бу ерда яшашлари учун халақит берди.

Қодиробод қишлоғида вужудга келган аҳволни вилоят раҳбарлари ҳам яхши билишади. Вилоят ижроия комитети ўтган йилнинг октябрида шу муносабат билан тегишли қарор қабул қилган, қишлоқни ривожлантириш, одамларни бу ерга жалб этишга доир тадбирлар ишлаб чиқилганди. Жумладан, қуриб битказилган саккизта ва битказилмаган 12 та уйни бузиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилинганди.

Ҳали қуриб битказилмаган уйларнинг бир қисмидан ёрдамчи бинолар сифатида, хўжалик мақсадларида фойдаланилиши керак эди. Бели оғримаганнинг нон ейишига боқ, дейдилар. Ўзгалар ҳисобига исрофгарчилик қилишнинг савобига ким етсин. Бу ерда 422 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб, 140 ўринли болалар боғчасини қуриш назарда тутилмоқда. Унга давлат маблағларидан салкам 1300 минг сўм сарфланади. Ҳозир ноҳия архитекторининг айтишига қараганда, ушбу янги иншоотнинг лойиҳаси тайёрланмоқда. Лекин ҳар икки бино одамлар бу ерга интилган тақдирдагина керак бўлади. Ҳозирча эса ундай эмас. Бунинг устига апрель ойининг охиригача ўз ҳисобидан уйларни капитал ремонт қилиш топширилган 148-механизациялашган кўчма колоннанинг эса ишга киришишга ҳали шошилаётгани йўқ.

Қишлоққа одамларни кўчиришнинг яна бир йўли бор. Айтганча, бу нарса вилоят ижроия комитетининг қарорида ҳам кўзда тутилган. Яъни уйларнинг бир қисмини вилоят марказидаги йирик саноат корхоналарига боғ ҳовлилар ёки пансионат сифатида фойдаланишга бериш керак. Лекин бунга эришиш учун ноҳия маъмурлари ташаббус кўрсатишлари керак. Улар эса қандайдир муайян ҳокимиятга эга эмасликларини баҳона қилиб, бирор чора кўришга шошилмаяптилар. Хўш, ушбу қишлоқда ким тартиб ўрнатади? Бу ердаги аҳвол ўзгарадими? Айни вақтда ноҳия ижроия комитетида аҳоли истиқомат қиладиган ерларда жуда катта қурилишларни бошлаш режалари хусусида фикрлашмоқдалар. Лекин бу лойиҳаларга ҳеч ишониш мумкин эмас. Аввал Қодиробод сингари мавжуд қишлоқлардан омилкорлик билан фойдалансалар, яхши бўлмасмикан...

Н. ХУЖАЕВА,
УзТАГ мухбири.

Жумҳурият янгиликлари

СОВЕТОБОДДАГИ марказий универсал дўконда бўлиб ўтган кўргазма-савдоси Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективига харидорлар талабини аниқлашда ёрдам берди.

Бундай кўргазмалар энди мунтазам ўтказиб турилибди. Андижон трикотажчилари йил бошидан буён Қўқон ва Гулистон савдо марказларида шундай кўргазма савдосини ўтказдилар. Таклиф қилинаётган маҳсулот — йигирмадан зиёд янги турдаги ёшлар жемперлари, аёллар ич кийимлари, замонавий кўйлаклар ва болалар либосларини экспериментал цех моделчилари ишлаб чиққан бўлиб, кам миқдорда тайёрланган.

Ҳамма нарса талаш бўлиб кетаётгани туфайли пештахталаримизда пичоққа илинадиган бирор мол турмайдиган ҳозирги вақтда андижонлик трикотажчиларнинг изланишлари бирмунча ошириб кўрсатилгандек туюлади. Лекин бу ерда бошқача фикр юритишаяпти. Тақчиллик — вақтинчалик ҳодиса, бозор муносабатларига ўтилганидан кейин аҳвол тубдан ўзгаради. Бой берилган имкониятни эса қайтариб бўлмайди.

Бирлашма коллективи бу йили 130 хил моделда кийим-кечак тайёрлайди, бундан 84 таси янги турдаги кийимлардир. Трикотажчилар жумҳурият савдо тармоғига жами 71 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берадилар.

* * *

ТУЯМЎЙИН гидроқурувчиларининг қувончли ташвишлари кўпайиб қолди. «Туямуюнгидрострой» бошқармаси меҳнатчиларининг 24 оиласи одатдагидан яхшироқ режа билан қурилган уйдаги квартираларининг калитларини олишди.

Уйнинг одатдан ташқари яна бир томони шундаки, ундаги барча квартиралар бир йўла телефонлаштирилган. Янги уйнинг хоналари пухта ўйлаб жойлаштирилган, кенг йўлак ва айвони ҳам бор. «Туямуюнстрой» бошқармасининг 2-қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли Йўлдош Қурёзов ва Яраш Сафаров бошлиқ комплекс механизациялаштирилган бригадалар навқирон шаҳардаги тўрт қаватли бу уйни муддатидан икки ой илгари аъло сифат билан топширди.

Боғлар гулга бурkансин

ТЎРАҚЎРҒОН ноҳиясида боғларнинг майдони бир йўла 155 гектар кўпаяди. 315 гектар ерда токзорлар барпо этилади. Бу ишларнинг ҳаммаси асосан қайтадан ташкил этилган ихтисослаштирилган хўжалик — «Тўрақўрғон» совхозида олиб борилмоқда.

Аввал пахта етиштирилган ерларга кўчатлар ўтқазилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ 20 минг тупдан кўпроқ мевали дарахт кўчатлари, юз минг дона ток қаламчаси ўтқазилди.

Янги боғлар ва токзорлар аввало Тўрақўрғон қуруқ мевалар заводини таъминлаш учун керакдир, чунки у ҳозир хом ашё етишмаслигидан қийналиб келмоқда.

Сабзавот кўп бўлади

«КОСОНСОЙ» совхози деҳқонлари шаҳарликларнинг биринчи Май байрам дастурхонига совға тайёрлай бошладилар. Улар шу муддатда эртаги карамнинг дастлабки ҳосилини олишга умид боғлашмоқда. Ҳозир карам кўчатлари плёнка остида гуркираб ривожланмоқда.

Совхозда картошка, пиёз, хашаки лавлаги экишни муддатидан анча илгари бошладилар. Одатда ижарачиларга ажратилган ёки оилавий пудратчиларга берилган ерларда шундай қилинади. А. Убайдуллаев, А. Тошбоев, Н. Мўминов бошлиқ оилавий коллективлар ўзларига ажратилган майдонларга экилган эртаги сабзавотдан яхши ҳосил олишга умид қилишмоқда.

Етиштирилган сабзавотнинг ҳар бир килограмми ўзининг аниқ истеъмолчисига эга — улар билан шартномалар тузилган. Совхоз мутахассислари ўтган йилги қийинчиликлардан сабоқ чиқариб, шундай йўлни танладилар. Ўшанда етиштирилган маҳсулот амалда шериклар йўқлиги туфайли кўпинча нобуд бўлган эди.

Умуман, Наманган вилоятида сабзавот, шу жумладан эртаги сабзавот экиш анча кўпайди. Ана шу мақсад учун 4200 гектардан кўпроқ ер ажратилган. Тўрт минг гектар атрофидаги майдонга картошка экилган. Бу эса ташқаридан сабзавот ва картошка ташиб келтирилишига чек қўйиш имконини беради.

Узоқни кўзлаган ютади

НОРИН ноҳиясидаги «Пахтакор» колхозининг деҳқонлари пилла мавсуми бошланишидан чўчимайдиган бўлдилар. Пиллачилар озуқа базасини ривожлантириш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилишмоқда. Тутзорлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ 33 минг туп тут кўчати ўтқазилди. Йўл чеккаларига ва ариқлар ёқалаб яна 50 минг туп тут кўчати ўтқазилади.

Бироқ, ҳамма ерда ҳам ишлар бундай эмас. Умуман, Наманган вилоятида тут кўчатлари ўтқазиш суръатлари кишини қувонтирмайди. Режа бўйича 5200 минг туп кўчат ўтқазилиши керак эди. Ҳозирча атиги 506 минг туп кўчат ўтқазилди. Ҳали вақт бор, дея боқи беғамлик қилавериш яхшиликка олиб бормайди. Бу муҳим ишда ҳайбаракаллачиликка ўрин бўлмаслиги керак.

Бунинг устига кўчатхонада етарли даражада ниҳоллар бор. Лекин хўжалик ходимларининг кўпчилиги олисни кўзлаб иш тутишмаяпти. Улар туяни миниб узоқни кўзлаш керак, деган оддий ҳақиқатни унутиб қўйишган кўринади. Ҳозирнинг ўзида пилла қурти озуқаси учун замин яратилмас экан, эртага кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Ҳаммага иш топилади

ОҚДАРЁ ноҳиясида анча иш ўринлари пайдо бўлди. «Меҳнат» фабрикасининг янги бўлимларида 250 нафар колхозчи аёллар тикувчилик касбини эгаллашди. «Бобур» ва «Кумушкент» совхозларида эса муаммони бошқача ҳал қилдилар — хўжаликларни сабзавот, мева, полиз экинлари етиштиришга ўтказдилар. Бу иш билан 1600 оилавий звено шуғулланмоқда. Ўз транспорт ташкилотлари — 2531-автоколоннанинг бўлими ҳам пайдо бўлди.

Ноҳия саноат комбинати ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган иккита заводда тез орада янги иш ўринлари пайдо бўлади. Ноҳияда маҳаллий Советлар ишлаб чиққан «Иш билан банд этиш» программаси таркибига қишлоқ хўжалиги ва саноат, шу жумладан қайта ишловчи саноат ҳам киради.

(ЎзТАГ).

Биринчи саҳифага мактуб

«Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам»

«НИГОҲ» ПРОГРАММАСИНИ НЕГА КЎРМАЙ ҚУЙГАНИМ ХУСУСИДА

Марказий телевидениенинг ҳар ҳафтанинг жума оқшомида намойиш этиб келинаётган «Нигоҳ» («Взгляд») программасини катта қизиқиш билан томоша эта бошладим. Унда бериладиган сиёсий, маданий, ижтимоий-маиший, тарихий ва шу каби мавзулар замонавийлиги, кескин танқидий руҳда олиб борилиши ёшу қарини ўзига ром этгандек бўлади. Албатта, қайси журналист бўлмасин, кундалик матбуот саҳифаларида, радио, айниқса, телевидениега танқидий материаллар билан чиқар экан, унинг олдидаги мақсад шу нуқсонларга келгусида чек қўйдириш, Совет давлати ва партиямизнинг бу борада олиб бораётган ишларида кўмаклашиш, кўз-қулоқ бўлиш, деб биламан.

Бироқ «Нигоҳ» кўрсатувларига назар ташлайдиган бўлсангиз, улар ҳамма нарсага қора кўзойнак орқали қарайдиган, ёндашадиган, ёмонотлиққа чиқариб кўрсатадиган бўлиб қолдилар. Ҳозир ошкоралик даври деб тўғри келган нарсани қоралаб кўрсатавериш ҳам ярамайдику... «Нигоҳ» мухбирлари билишимча фақат тирноқ тагидан кир ахтариш мақсадига ўтиб олишганга ўхшайди. Нуқул қамоқ, етимхона, норасмий тўдаларнинг ғала-ғовури, ахлатхона ёнидан ҳасса таяниб, тўрва кўтариб ўтаётган кампирни беўхшов қилиб суратга олиб, Совет давлатида очлик, ҳуқуқ паймол этиляпти, деган шов-шув кўтаришни ўз иш режалари деб олмадилармикан? Ахир буни фойдаси қанчаю, зарари қанча ўйлашармикин?

Мен «Нигоҳ»нинг сиёсий, иқтисодий, миллий, мафкуравий жиҳатдан тарғибот этаётган томонларига ёндашмай, фақат бир масалани сизга, азиз муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқчиман ва бу соҳада мен нақадар ҳақ ёки ноҳақлигимни кўрсатсангиз дейман. Бу ҳақда мен Марказий телевидениега ўтган йили хат билан мурожаат ҳам этган эдим, афсуски, ҳанузгача жавоб олмадим. Ёки менга эътироз билдиришмади, ёки гапингиз маъқул, чора кўрилади, дейишмади.

Мен «Нигоҳ»нинг маданий, яъни мусиқавий программалари устида фикр юритмоқчиман. Агар аҳамият берган бўлсангиз, ҳар репортаждан сўнг мусиқа номери берилади. Ундаги мусиқа ва ашулаларнинг деярлик тўқсон фоизи хорижий рок-шоу деб аталмиш чиқиш бўлади десам муболаға бўлмас. Энди «зангори экран» олдида ижро этувчи санъаткорларга бир разм ташланг-а. Соч-соқоллари таралмаган, пахмоқ сочлари елкасига тушган, қора-ола-була, кир майкаларда, калта иштон, ёки улоқ чарм нимчаларда, қулоқларида зирак, қўлларида билакузук, бўйниларида маржон, қошлари терилган, упа-сурма сурилган, тоғни урса, талқон ўтадиган йигитлар, бачкана қилиқлар қилиб, зикр туша бошлайдилар. Қизлар эса ярим яланғоч, сочлари аксинча калта қирқилган, эркаклар кўйлаги, шимини кийиб олишган, бутун баданларини силкитишиб, қийпанглашиб, бири-биридан ўзамнига бақиришиб, қулоқни том этишади. Баъзида русча айтиладиган ашула сўзларига қулоқ берing-а. Висоцкийга тақлид этишиб, бўғилиб, хириллаб чиқаётган йиғлоқи товушдан, кўпинча руҳий тушкунликка берилган ғазаллар нидосини эшитасиз. Бу нима ўзи ахир?

Бу билан улар ёшларимизга қандай тарбия, қандай ўрнак кўрсатишмоқчи? Ярим яланғоч қизларнинг қилаётган қилиқларини кўриб, ёнимда ўтирган, ақлини таниб қолган набираларимдан қизариб, ерга боқиб ўтирган келинларимдан уяламан.

«Нигоҳ» программаси орқали бизнинг ёшларимизга шундай салбий тарбия беришга кимнинг ҳадди сиғади? Қўлларига билакузук, қулоқларига зирак таққан, сочларини орқаларига кокил этиб, лента тақиб юрувчи, қош-кўзларини бўёвчи йигитларимизга қандай баҳо, ном берсак бўлади? Шунинг учун ташқи қиёфасини кўриб ёқа ушлашинг керак бўлган «санъаткор»лардан ёшларимиз қандай ўрнак олсинлар.

Назаримда, телевидениедагилар бундай «тарбиявий» ишни Бутуниттифоқ бўйлаб тарғиб этишга ҳақлари йўқ. Мен фарзандларим, набираларимнинг бундай «тарбия» олишларига мутлақо норозиман, қўшилолмайман.

Агар рок-шоу ашулачилари кимгадир ўз санъатларини кўрсатмоқчи бўлсалар, марҳамат, бунга Иттифоқимиздаги хоҳлаган катта шаҳарлардан бирини танлаб, стадион, хиёбон, зални ижарага олиб, истаганларича бир гуруҳ томошабинларни хушнуд этишлари мумкин. Лекин ҳар ҳафтада кўпчиликка манзур бўлмаётган бундай бемаъни чиқишларни иложи борича тўхтатсалар ёки тартибга солсалар.

Наҳотки «Нигоҳ» ўз мусиқавий программаларида чиройли, миллий рус ашула, рақсларини, украин, Болтиқбўйи, Кавказ, Ўрта Осиё, Сибирь халқларининг қизиқ, завқ келтирувчи санъат намуналаридан фойдалана олмаса? Эшиттириш Иттифоққа берилгач, шунга яраша ҳаммага бир хилда мойил, мақбул бўлсин-да! Кейин ҳаётимизда фақат камчиликлар эмас, мақташга лойиқ ютуқларимиз ҳам мўл-ку. Бу борада мен «Нигоҳ» мухбирларига сабр-тоқат, ишларида матонат, ютуқлар тилаб қолмоқчиман.

Ана шу мулоҳазаларга кўра мен ва оила аъзоларим «Нигоҳ»нинг сўнгги сонларини кўрмай қуйдик. Ачинарли, лекин асаб бузишдан кўра, «Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам» ибораси тўғрига ўхшаб қолди.

Мирзамурод АЛИМОВ,
Улуғ Ватан урушининг II гуруҳ ногирони, партия ва СССР Қуролли Кучлари ветерани.



Мақсадлар бир бўлгач...

Иттифоқимизда «Средазнефтегазстрой» ихтисослашган қурилиш бирлашмаси (ИҚБ) қурувчиларининг «қўли етмаган» жой камдан-кам учрайди, десак муболаға бўлмас.

Бугунги кунда Ўзбекистон газ қазиб чиқариш бўйича мамлакатда иккинчи ўринда туради. Аммо аҳоли пунктларини ва айниқса қишлоқ жойларини газлаштириш атиги 60 фоизни ташкил этади. Сув таъминоти ва йўллар қурилиши аҳволи ҳам ўзига яраша. Нимаям дердик, ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Бироқ бирлашма бўйича иш ҳажми оз эмас, кўп эмас 50 миллион сўмликка қисқарди. Хўш, вазиятдан қандай қилиб чиқиш мумкин? Ҳа, хўжалик ҳисоби кўп нарсани аниқлашга, уларни жой-жойига қўйишга имкон берди. Ўз ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишда корхоналар ва коллективларга мустақиллик берди. Шу жумладан «Средазнефтегазстрой» ИҚБси бўлинмалари бугунги кунда хўжалик иншоотларини қуриш учун турли идора ва ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузмоқда. Бироқ афсуски, бу Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида ягона ҳисобланган ихтисослашган қурилиш бирлашмаси учун етарли эмас. Биргина мисол: нефть-газ қурувчиларининг ихтисослашган қурилиш бошқармаси учун Дамхўжа — Навоий сув қувурининг қолган 83 километридан 1990 йилда умумий масофаси 20 километрлик участкада иш ҳажми ажратилди. Аммо бунда ҳеч ким бу бўлинмаларнинг юқори унумли чет эл техникалари ва малакали мутахассислар билан қуролланганлигини ҳисобга олмади. Ваҳоланки, уларнинг зиммасида газ, нефть қувурлари, сув иншоотлари сингари ўнлаб қурилишлар турибди.

Айни пайтда эса, Навоий қурилиш бошқармасининг «Югмонтаж» трестига 70 километр ҳажмидаги иш кўлами белгиланган. Яширишнинг ҳожати йўқ: трестда линия қурилиши бўйича тажриба етишмайди. 37-, 87-қурилиш-монтаж бошқармалари ихтиёридаги мамлакатимизда чиқарилган техникалардан ҳам кўзни юмиб бўлмайди. Сув қувури қурилиши бўйича маъмуриятнинг техника назорати катта инженери Файзулла Шукруллаев билан суҳбатда у ўз ҳасратларини яширолмади:

— Хориж техникаси қурилишдаги бош омил ҳисобланади. Бироқ бу асосийси эмас. Ишдаги энг муҳими — меҳнатни аниқ маромда ташкил этиш. «Средазнефтегазстрой» ИҚБ коллективлари бунга қатъий амал қилади.

Самарқанд вилоятининг Нарпай ноҳиясида сув қувурини бунёд этаётган 1-, 6-, 7-қурилиш бошқармалари ишсиз туриб қолган. Сабаб — қувурлар йўқ. Аниқроғи, бор. 4 километрга яқин. Бироқ нефть қувурчилари учун мўлжалланган. Ўзбекистон ССР Уй-жой, коммунал хўжалиги министрлиги Дамхўжа сув қувурининг қурилиш ва таъминоти ҳажмини белгилаб туриб нимага асосланганини номаълум.

Бугунгача бирлашма қурувчилари 60 километрликдан зиёдроқ қувур ётқизишга эришдилар. Йил муваффақиятли бошланди. Ўтган йили ҳам шундай бўлган эди. Комплекс бригадалар ойига 4 километрдан кўпроқ иш бажарган эдилар. Йил охирига бориб бу кўрсаткич анча сусайган эди. Биргина декабрь ойида 1,2 километрдагина юмуш уддаланган эди.

— Барақалироқ ишламасак бўлмайди, — дейди ёш ҳайдовчи Йўлдош Бобожонов. — Бироқ бунинг учун вақтида қувурларни олиб туришимиз керак. Акс ҳолда ҳам хом ашёдан, ҳам ишсизликдан. — Йўлдошнинг фикрларини 7-қурилиш бошқармаси бульдозерчиси Леонид Обухов, 6-бошқармадан Ботир Ҳотамовлар ҳам тасдиқлашди.

Нефть-газ ёш қурувчиларининг орзу-мақсадлари бир жойдан чиқмоқда. Маслак бир бўлган жойда ишнинг муваффақияти сўзсиз таъминланади. Бу турган гап. Бинобарин, янгича иқтисодий шароитда, тўла хўжалик ҳисобида фаолият юритганда бусиз бирон нарсага эришиш мушкул. Қурувчилар комсомол-ёшлар буни аллақачон англаб улгуришган.

О. АСАДУЛЛАЗОДА.

СУРАТДА: илғор ҳайдовчи Йўлдош Бобожонов.

Суратчаш В. БАСКАКОВ.

Хориждан хабарлар

Телетайп лентасидан

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина ҳукумати мамлакат молиявий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга қаратилган янги тадбирлар мажмуасини эълон қилди. Иқтисодиёт министри Антонио Эрман Гонсалес Аргентинанинг тушиб қолган ҳолатини «ҳалокатли ҳолат» деб таърифлади. Пулнинг қадрсизланиши тобора кучайиб кетаётганлиги ва бюджет камомадининг ниҳоятда катталиги мамлакат олдида турган катта муаммолардир. Навбатдаги расмий планда миллий бюджетнинг барча моддалари бўйича тежамкорлик йўли билан давлат харажатларини кескин қисқартириш кўзда тутилади. Министрлик бўлимлари ва бошқармаларининг катта қисми тугатилади. Давлат корхоналарида ва муассасаларида пенсия ёшига етган барча ходимлар қисқартирилади. Айни вақтда ижтимоий-иқтисодий тусдаги бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш тўхтатилади. Зарар келтираётган давлат банкларининг бир қисми йўқотилади. Даромад солиғини кўпайтириш, бензин ва ёнилғининг бошқа турлари нархини 100 фоиздан кўпроқ қимматлаштириш бошқа тадбирлар қаторига киради. Яқин кунларда электр қуввати, транспорт ва алоқа ҳақини кўпайтириш назарда тутилмоқда. Энг кам иш ҳақини ошириш йўли билан давлат секторидаги кам ҳақ тўланадиган меҳнаткашлар тоифаси харажатларини қоплашга қарор қилинди.

ВАРШАВА. Польша унинг Ғарбий чегараларига доир ҳеч қандай музокаралар ўтказмайди; мамлакатнинг бирон чегараси хусусида музокара қилиниши мумкин эмас, деди Польша Республикаси Министрлар Кенгашининг Раиси Тадеуш Мазовецкий Ғарбий Германияда чиқадиган «Вельт» газетаси мухбири билан суҳбатда.

Польша ҳукуматининг бошлиғи мамлакатнинг Германия бирлашишидан хавотирланадими, деган саволга жавоб бериб, Польша бундай бирлашишдан хавотирга тушмайди, агар ана шу бирлашиш жараёни, у умид қилаётганидек, Европа тенглигини бузмайдиган ва Европа хавфсизлигининг янги системасини вужудга келтиришга кўмаклашадиган жараён доирасида амалга оширилса, деб таъкидлади. Агар Германия Европа билан етарли даражада алоқадор бўлмаганида ва ўз қўшниларининг хавфсизлиги масаласида мутлақо равшан йўл тутмаганида Польша Германиядан чўчиган бўлур эди. Худди шунинг учун ҳам Польша олтилар конференциясида қатнашишга интилмоқда, унда Польша ва унинг чегаралари хавфсизлиги тааллуқли масалалар муҳокама қилинади, деди Т. Мазовецкий. Польша ушбу анжуманда қатнашиш ҳуқуқига эга эканлигига шубҳа билиши мумкин эмас. Худди шунинг учун ҳам Европада ниҳоятда кўп ҳуқуқсизликлар бўлган, халқларнинг ҳаётий манфаатларини уларнинг иштирокисиз ҳал этишган.

ВАШИНГТОН. Американинг обрўли сенатори, ташқи ишлар сенат комитетининг раиси Клейборн Пелл (Род-Айленд штати, демократ) Европада урушдан кейинги чегаралар хусусида Ғарбий Германия раҳбарияти тутган йўлни жиддий танқид қилди. Унинг сўзларига қараганда, ГФР Федерал канцлари Гельмут Коль Польша билан мавжуд чегараларни «тан олиши» ва ГДР билан ГФР «бирлашган тақдирда» уларни кўриб чиқиш мумкин эмаслигини очиқ айтиши керак. «Бундай кафолот бера олмаслик, — деб таъкидлади Америка сенатори, — Польшада, яъни нацистлар Германияси қўлида олти миллиондан кўпроқ ўз фуқароларини йўқотган мамлакатда жиддий ташвиш уйғотиши мумкин».

БУДАПЕШТ. Бу ерда «Шарқий Европа ҳамкорлиги — Европа интеграцияси» мавзуидаги анжуман ўз ишини тугатди. Унда Болгария, Чехословакия, ГДР, Польша, Румыния ва Венгрия сиёсий ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар. Венгрия озод демократлар иттифоқи ташаббуси билан уюштирилган конференция қатнашчилари регионнинг сиёсий ривожланиш масалаларини, бўлажак Европа асосида интеграция муаммоларини муҳокама қилдилар.

Анжуман якунлари асосида қабул қилинган қўшма баёнотда, жумладан, Европада мавжуд чегараларнинг ўзгариш хавфи, янги, ягона Европа Совет Иттифоқи кирадиган хавфсизлик системасига суяниши лозимлиги таъкидланади. Янги, ягона Европа хавфсизлик системаси Хельсинки жараёни натижасида эришилган аҳдномалар асосида қурилади.

ЛОНДОН. Ўтган йили жаҳонда рўй берган жуда катта ўзгаришлар тинчлик ҳаракати учун ниҳоятда фойдали бўлди. «Атлантачилар» даври мозийга чекинмоқда. Транспорт ва малакасиз ишчилар касаба союзи бош секретарининг ўринбосари Билл Моррис ядровий қуролсизланиш учун Британия ҳаракати касаба союз бўлимининг бу ерда бўлган йиллик конференциясида шундай баёнот билан чиқди. «Бизнинг давр эндигина бошланаяпти», — деб таъкидлади у.

Б. Моррис таъкидлаганидек, тинчлик учун курашаётган Британия ишчиларининг ҳозирги энг муҳим вазифаларидан бири мудофаа саноатида банд бўлган меҳнаткашлар меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар қаторини тўлдирмасликлари учун ушбу соҳани оқилона конверсиялашдан иборатдир. Нотиқларнинг кўпчилиги Б. Морриснинг бу фикрига қўшилдилар.

Ҳозир маълум бўлишича, турли афсоналар билан кўпиртирилган «совет хавфи» умуман йўқ, деб таъкидлади конференция қатнашчиларига мурожаат этар экан ядровий қуролсизланиш ҳаракатининг раиси Брюс Кент. Бироқ ядро қуроллари сақланишидан манфаатдор бўлган кишилар ҳозирдаёқ ўз ҳатти-ҳаракатларини оқлаш учун янги сабабларни ўйлаб чиқаришга уринаётганликларини ҳам унутмаслик керак, деб огоҳлантирди у йиғилганларни.

(ТАСС).

ГДР ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

БЕРЛИН, ТАСС мухбири Константин САВВИН хабар қилади: Германия Демократик Республикасидаги партиялар ва сиёсий гуруҳлар 18 март кунига белгиланган парламент сайловига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Ҳафта охирларида ўтказилган бир қанча митингларда Ғарбий Германия сиёсатчилари меҳмон сифатида қатнашдилар.

Халқ палатасига сайловда демокартик социализм партиясидан асосий номзод Х. Модров ана шу тарихий оғир вазиятда кўпгина фуқароларнинг яхши келажакка орзу — умидларини ўзида мужассамлантиради, деди демократик социализм партиясининг раиси Г. Гизи ушбу партия Берлинда ўтказган учрашувда сўзга чиқиб. Г. Гизи демократик социализм партияси Ғарб оммавий ахборот воситаларининг Х. Модровга нисбатан янги хуружларига дуч келмайди, деб айтди. Демократик социализм партияси ГДРни федератив республикага шунчаки бирлаштириб қўйиш тарафдори эмас, деди Г. Гизи. У мамлакат ўтган 40 йил ичида эришган ижтимоий ютуқларни сақлаб қолиш зарур, деб таъкидлади.

Дрезденда эркин демократлар уюшмасининг сайловолди йиғилишида Германия Федератив Республикаси эркин демократлар партиясининг раиси О. Ламбсдорф сўзга чиқди. У Германия Демократик Республикасининг ГФРга кўчиб кетишни хоҳлаётган фуқароларини ўз жойида қолишга ва ўз мамлакатини тиклашда ёрдам беришга чақирди. ГДР, унинг сўзларига қараганда, сайловдан кейин иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ГФРга қўшилиш учун барча имкониятларга эга бўлади. Бунинг учун федерал ҳукумат иқтисодий сиёсат ўтказиш билан бир вақтда валюта иттифоқи тузишни таклиф этади.

Фан, мактаб ва ўқув юртлари бўлими почтасидан

Эски ўзбек имлосини ўрганамиз

САМАРҚАНД Давлат дорилфунунида эски ўзбек тилини ўрганиш курси фаолият кўрсата бошлади. Боболаримизнинг кўп асрлик тарихий қўлёзмаларини ўрганишга асос бўладиган бу ёзувни кўпчилик талабалар қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Ўзбек филологияси факультетининг доцентлари Ж. Ҳамдамов, Қ. Тоҳиров, Н. Усмонов каби тил билимдонлари студентларга бу илм сирларини пухта ўргатишга, эски ёзуви ва тили, тарихи, адабиёти билан яқиндан таништиришга имкон яратмоқдалар.

Акбар САИДҚОСИМОВ.
СамДУ тарих факультети толиби.

Матбуот дарси керак

ЖАМИЯТИМИЗ мураккаб вазиятни, мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Иттифоқимизда ва жумҳуриятимизда турли хил норасмий уюшмалар, оқимлар, сиёсий кучлар, ҳар хил ғоялар мавжуд. Ҳозирги кундаги воқеаларни тушуниб олиш учун ёшларнинг, хусусан тенгдошларимнинг сиёсий билимлари етишмайди, деб ўйлайман. Улар Болтиқбўйида нималар рўй бераётгани, у ерликлар қаёққа ва нима учун интилаётгани, халқ нега қашшоқлашаётгани, пахта нархи оширилиши нега пайсалга солинаётгани ҳақида тўла тасаввурга эга эмаслар.

Кундалик матбуотдан хабардор киши атрофда рўй бераётган воқеаларга ўз муносабатини билдира олади. Агар у газета-журнал ўқимаса-чи! Аминманки, қишлоқларимизда, жумладан, бизнинг қишлоқда ёшларнинг 60-70 фоизи газета ўқимайди. Шундай бўлгач, уларда қандай қилиб етук сиёсий билим бўлсин.

«Танқид қилдингми, таклиф ҳам қил» деган гап бор. Шунга амал қилган ҳолда таклиф қиламан: мактабларимизда ҳар ҳафтанинг сўнгги кунида юқори синф ўқувчилари учун матбуот дарси ўтилса. Дарсда ўқитувчи ҳафта давомида матбуотда эълон қилинган энг яхши мақолалар ҳақида, сиёсий воқеалар хусусида ахборот берса, танишиб чиқишлари учун тавсия этса. Бундай дарс ўқувчиларнинг сиёсий онгини оширишда жуда қўл келарди. Сиёсий онги етук ўқувчи эса келажакда ҳар кимга кўр-кўрона эргашавермайди, ўз йўлини ўзи белгилайди.

Абдуғани БОЙМАТОВ,
Фарғона вилоятининг Ленинград ноҳиясидаги «Комсомол» жамоа хўжалиги.

«Тинчлик» ғолиб, лекин...

Мактабимизда фан мушоираларига катта эътибор берилмоқда. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири XI «А» ва XI «Б» синф ўртасида бўлиб ўтди. Бунда ўқувчилар йил бошидан буён тарих фанидан олган билимларини ўзаро синаб кўрдилар.

Унда Муқаддас Саматова, Робия Раҳимова, Моҳира Сатторова ва Роҳила Эминовалар фаол иштирок этишди. Мушоирада XI «Б» синфнинг «Тинчлик» командаси XI «А» синфнинг «Дўстлик» командаси устидан ғалаба қозонди.

Ғолиб команда мактаб дирекцияси ва комсомол қўмитаси томонидан диплом билан тақдирланди.

Командамиз аъзоларининг қувончи чексиз эди. Лекин бу ҳурсандчилик узоққа бормади. Кўз олдимизда «Дўстлик» командаси аъзоларига берилган эсдалик китоблари йиртилиб, гуллар ташлаб юборилди. Ҳалигина дўстлик, тинчлик ҳақида айтилган шеърларнинг шунчаки эканлиги аён бўлиб қолди.

Тенгдошларимиз — «Дўстлик» командаси ўз номларига муносиб бўлишмади.

Дилфуза ТУРСУНОВА,
Наманган ноҳиясидаги Крупская номли 34-ўрта мактабнинг XI «Б» синф ўқувчиси.

Кимё ўқитувчиси йўқ

Биз таълим ва тарбия олган мактаб Бекобод ноҳиясининг Охунбобоев қишлоғида жойлашган. Мана бир неча йилдирки, ўқув даргоҳимизда кимё фани ўқитилмайди. Нега, деб сўрарсиз. Чунки ўқитувчи йўқ. Ота-оналаримиз кўп маротаба ноҳия халқ таълими бўлимига ўшбу савол билан мурожаат қилишди. Бироқ, тайинли жавоб олишолмади. «Педагог етишмайди», дейишади улар. Хўш, нега энди ўқувчилар бундан жабр тортиши керак. Масалан, мен бу йил мактабни битирдим, дейлик. Тиббиёт институтларининг бирига кириш ниятим ҳам йўқ эмас. Лекин хоҳлайсизми, йўқми мактабда кимё фанининг ўқитилмагани панд беради. Менга ўхшаган ўнлаб ўқувчиларнинг фикрини тинглайдиган масъул киши борми?

Мухторали БОБОНАЗАРОВ,
Тошкент вилояти.

Бўлим шу кунгача (1990 йилда) Сиз азиз муштарийлардан 285 та мактуб олди. Уларда ютуқлар билан бирга олға силжишимизга ҳалақит бераётган нуқсонлар ҳақида ҳам фикр юритилган. Фарғоналик Барно Бўтаева ўз қишлоғида 140 ўринли янги боғча фаолият кўрсата бошлаганидан мамнун бўлиб, рўзномамизга мактуб йўллаган. ТошДУ толиби Абдумалик Абдураҳмоновни эса «Сиёсий иқтисод» дарслиги етарлича эмаслиги қийнайди. Наманганлик болалар боғчаси тарбиячиси Санам Эгамбердиевани ҳам мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ўзбек тилида нашр қилинган қўлланмаларнинг йўқлиги безовта қилади. Ўйлаймизки, мазкур эътирозларни мутасадди ташкилот раҳбарлари эътиборга оладилар.

Рўзномамизга мактуб йўллаган барча муштарийларга миннатдорчилик билдирамиз ҳамда улардан янги хат-хабарлар кутамиз.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ ПЛЕНУМИ

ВАРШАВА. Польша Республикаси журналистлари уюшмаси бош бошқарувининг Варшава шаҳрида бўлган пленуми қатнашчилари журналистлар орасидаги оғир аҳволни акс эттирувчи манзарани кўрсатиб бердилар. Нотиқлар туб хўжалик ислоҳотларига ўтилиши, бозор механизмлари жорий этилиши билан борган сари кўпроқ газета ва журналлар ёпилаётганини уқтириб ўтишди. Фақат Варшаванинг ўзида 350 нафар ишсиз журналист рўйхатга олинган. Навбатдаги ишдан бўшатишлар ва фойда бермайдиган нашриётлар тугатилганидан кейин орадан бир ой ўтгач ишсиз журналистлар 2,5-3 минг кишига етиши кутилмоқда.

Ҳозир Польша Республикаси журналистлар уюшмаси 9 мингга яқин киши бирлаштириб турганлиги айтиб ўтилди. Матбуот ходимлари учун ҳозирги оғир шароитда ижодий ташкилотнинг аҳамияти анча ўсади. Польша Республикаси журналистлар уюшмаси «Бирдамлик» билан мустаҳкам алоқада бўлган Польша журналистлари муқобил уюшмасига оммавий ишсизлик хавфи пайдо бўлган оммавий ахборот воситалари ходимлари муаммоларини ҳал этишда ҳамкорлик қилишни таклиф этди. Польша Республикаси журналистлар уюшмаси бош правлениесининг ялпи йиғилиши сейм ва сенатга очиқ хат юборди, унда матбуот ва ноширлик фаолиятида рўй берган чуқур тангликка Польша парламентининг эътибори қаратилади.

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ПЕКИН, 7 март. ТАСС мухбири Вячеслав Томилин хабар қилади: ХХР сиёсий-юридик идоралари ходимларининг Хитойда бўлиб ўтган умумхитой кенгаши қатнашчилари Хитой ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг энг муҳим вазифаси жамиятдаги барқарорликни сақлаб туриш учун куч-ғайратларни аямасликдан иборат, деган фикрни билдирдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси Цяо Ши Хитойдаги сиёсий ва иқтисодий вазият умуман барқарор бўлиб турганлигини таъкидлади. Шунга қарамай, деб, уқтирди у, жамоат тартиби соҳасида «сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ва маданий соҳалардаги салбий ҳодисалар таъсирида вужудга келган» жиддий муаммолар бор.

«Халқ хўжалигини соғломлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг илдизига болта ураётган» ва халқ учун айниқса, хавфли бўлган жиноятлар — порахўрлик, чайқовчилик, контрабанда ва иқтисодий тартиббузарликларнинг бошқа кўринишларига, деб давом этди Цяо Ши, қонунга таяниб қақшатқич зарба бериш зарур.



Кўплаб Жанубий кореяликларнинг фикрига кўра, тез орада бу мамлакат учун анъанавий ҳисобланган таом — гуруч инқирозга юз тутади. Бу гуручни етиштиришдаги қийинчиликлар билан боғлиқ эмас. Гап шундаки, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулот «Рамьон» — деб аталган гуруч чўзмаси кишиларга кўпроқ ёқмоқда. Ўз-ўзидан аёнки, анъанавий таом рақобатга дош беролмайди. Бунинг устига «Рамьон»ни тайёрлаш учун бор-йўғи бир неча дақиқа кетади, холос.

Суратда: Сеулдаги дўконлардан бирида сотувчи қиз «Рамьон»ни намойиш қилмоқда.

(ТАСС сурат хроникаси).

Ранг-баранг олам

ДОВЮРАК УЧУВЧИ

ЯҚИНДА Ҳиндистон ҳарбий-ҳаво кучлари вертолёт бўлинмаси командири М. Даттнинг исми Гиннеснинг рекордлар китобга ёзилди. Шу муносабат билан Деҳлида ўтказиладиган журналистлар билан учрашувга учувчи тўғри Сиачин музлигидан етиб келди. Матбуот конференциясида гап асосан бундан уч йил бурун бўлиб ўтган воқеа хусусида борди — ўшанда довюрак учувчи қор остида қолиб кетган одамларни қутқаришда ўта қаҳрамонлик кўрсатганди. 1986 йили Сринагар шаҳри яқинидаги Зежи довонида қор кўчиши туфайли 100 га яқин киши қор уюмлари тагида қолиб кетади. Шунда матонатли учувчи 5 кун давомида баланд тоғлардан, бўронлардан, ҳеч нарса кўриб бўлмас шароитда 75 марта учиб, ҳаётдан кўз юмушга оз қолган кишиларни қутқарганди.

115 ЁШЛИ КАШАНДА

ФРАНЦИЯНИНГ Арля шаҳрида яшовчи, мамлакатнинг энг кекса фуқароси Жанна Кальман ўзининг 115 ёшини нишонлади. Бундан икки йил муқаддам у жаҳоннинг энг кекса кишиси деб, Гиннеснинг рекордлар китобига киритилганди. Лекин, узоқ умр кўрувчилар мусобақасида биринчиликни 1988 йили 114 ёшга тўлган америкалик Кэрри Уайтга топширди. Лекин, Кальман хоним тушкунликка тушгани йўқ, у япониялик 120 йил умр кўрган Шигешиво Изуминнинг рекордини янгиламоқчи. Афсуски, Жанна Кальман туғилган кунини касалхонада нишонлади — бир-неча кун аввал кечки пайт сигарет чекиш учун кўчага чиқаётиб йиқилиб тушди. Касалхонада уни операция қилишди, ҳозир аҳволи жуда яхши. Уйига суратга олгани келишганда, пардоз-андозсиз расмга тушираверинглар, шундай ҳам чиройликман, деб ҳазиллашиб қўйди.

ЭНГ УЗУН АВТОБУС ЙЎЛИ

АВСТРАЛИЯДА жаҳонда энг учун шаҳарлараро автобус йўли бор. Унинг узунлиги — 3500 километрдир. Автобуслар об-ҳаво яхши бўлиб турса, бу масофани 62 соатда босиб ўтадилар.



Шавкат МИРАЛИМОВ,

тарих фанлари номзоди, доцент.

1



ШАВКАТ МИРАЛИМОВ — 1942 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд кўрган, тарих фанлари номзоди, доцент, вилоят матбуот бошқармасининг бошлиғи. У «Сирдарё ҳақиқати» ва «Ёш ленинчи» газеталарида ишлаган. СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси, истеъдодли қалам соҳиби. Кўп йиллар комсомол ва партия органларида фаолият кўрсатган.

Ш. Миралимов «Камарбасталик», «Урф-одатлар», «Наврўзи олам бугун» сингари ўндан зиёд китоб, кўплаб публицистик, илмий-амалий мақолалар муаллифидир. Ўтган йили энг яхши ёзилган урф-одат, маросимлар ҳақидаги мақолалар туркуми учун конкурсда жумҳурият журналистлар уюшмасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланган. «СССР матбуот аълочиси» нишондори.

Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!
Ҳамма бир-бирига жигар сўз экан,
Олам ҳам баробар кеча-кундуз экан,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

Халқ қўшиғи.

АСРЛАР ОША тақиқ ва таъқибларга дучор бўлиб, халқ томонидан яратилган, унинг ўзига хизмат қилиб келган, социалистик заминда қайтадан туғилган кўҳна Наврўзи олам яна бир қувғинга учраб, яна бир ўлимга маҳкум этилиб, аранг жон сақлаб қолди...

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Мафкура комиссиясида жумҳуриятда Наврўз байрамини тиклаш масаласи кўриб чиқилди. Яқин ўтмишда халқ турмушининг маданий ва маънавий соҳасида маъмуриятчиликка йўл қўйилганлиги, асрлар давомида таркиб топган анъаналарни ёппасига менсимаслик ва айни бир вақтда тўқиб чиқарилган тадбирларни тиқиштириш Ўзбекистондаги ижтимоий-маънавий муҳитга катта салбий таъсир кўрсатганлиги қайд этилди. Расмиятчилик ва ҳаддан зиёд тадбирбозлик умумдавлат байрамларининг ҳам ғоявий мазмунини бемаънилаштиришга олиб келди.

Ва ниҳоят халқимизнинг дилидаги ҳамда орзиқиб умид қилган орзуси рўёбга чиқди. Халқнинг маросимларини қайтадан тиклаш ва жумҳурият ҳудудида ҳар йили 21 март куни дам олиш ва Наврўз байрами айёми сифатида кенг нишонлашга қарор қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Мафкура комиссияси бу ҳақда қабул қилган ҳужжатда таъкидланганидек, Наврўз минг йиллар давомида кишиларда она-ерга муҳаббат, замин ва табиатни авайлаб-асраш туйғусини тарбиялаган. Меҳнатга иштиёқ, покликка ундаган. Байрам кунларида аразлар, гина-кудратлар унут бўлган, ҳатто урушларга чек қўйилган, кишилар сан-манга бормай, тинч-тотувлик билан борди-келди қилишни бошлаб юборганлар. Айни шу кунларда кишилар учун қабристонга бориш, у ерни тартибга солиш, марҳумларни ёдга олиш; хотирлаш ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланган. Зеро, кишиларни эзгу ишга ундаган, қалбларини яхши тилак, ҳис-туйғуларга тўлдирган, меҳр-оқибатни кучайтирган.

Ана шунинг учун ҳам Наврўзни асрлар мобайнида худбин манқуртлар, жоҳил шоҳу амирлар, афюн дин пешволари-ю, жаҳолатпараст замонавий тўра ва беклар тақиқ қилдилар, қатл этдилар, ўтга ташладилар. Лекин халқ дилида жо бўлган Наврўз барҳаёт, ақл-идрок ҳар гал ғалаба қилди. Зотан, Наврўзнинг қайта қуриш шабадаси домида қайта тикланиши ҳам адолатнинг тантанаси, ақл-идрок ғалабасидир.

Наврўзнинг расмий жиҳатдан қайта тикланганига бир йилдан кўпроқ муддат ўтганига қарамай, амалда ҳали ҳам турли тўсиқ ва қийинчиликларга дуч келмоқда. Чунки унга ҳамла қилган қатор амалдорлар ҳали ҳам курсиларидан қўзғалганларича йўқ. Улар ўрни келганда очиқдан-очиқ, йўқса зимдан Наврўзнинг кенг қанот ёйишига йўл бермаяптилар. Наврўз жаллодларининг айримлари айни пайтда калтакесакдек тўнларини ўзгартириб, бетларини сидириб ташлаб, «Ассалом, Наврўз!» — деб ҳайқириқ солмоқдалар. Лекин улар юрагидаги (агар манқуртларда ҳам юрак бўлса?!) аламзадалик, заифлик, мағлубият ҳисси тугаганича йўқ ҳали. Ана шунинг учун ҳам Марказий Қўмитамиз Мафкура комиссиясининг ўтган йилги Наврўз ҳақидаги хулосаси ва уни нишонлаш бўйича тавсиялари кўнгилдагидек бажарилмади, кўп қисми қоғозда қолиб кетди. Ана шунинг учун ҳам мазкур комиссия бу йил январь ойининг бошларидаёқ қайтадан Наврўз масаласини кўриб чиқишни, уни ўтказиш бўйича бир қатор чора ва тадбирларни белгилаб беришни лозим деб топди. Унда, жумладан, қуйидагилар бор: «Партия, совет идораларига, хўжаликларнинг, маданият муассасаларининг раҳбарларига Наврўз байрамини ўтказишда жамоатчиликнинг ижодий ташаббусига кенгроқ таяниш, маъмуриятчилик ва ҳамма нарса олдиндан белгилаб қўйишдан воз кечиш тавсия этилди.

...Наврўзни Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар байрамига айлантириш, деҳқон меҳнатидан фахрланиш ва бундай меҳнат қадрини ошириш... Ўзбекистонда ва регионидаги қўшни жумҳуриятларда Наврўз байрамига тайёргарлик ва уни ўтказишни оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение кенг ёритиши мақсадга мувофиқ деб топилди».

Қайта қуриш шабадасида ҳақиқат тантана қилмоқда. Эртами-кеч адолат янада қарор топиши аниқ. Шунинг исботи сифатида Ўзбекистон ССР Нозирлар Советининг 21 март Наврўз миллий байрам кунини дам олиш куни қилиб белгилаш тўғрисидаги қарорини кўрсатиш мумкин.

2

Муҳтарам муштарий! Ушбу мақолада Наврўз ҳақида, унинг узоқ ва яқин ўтмиши, бугунги куни ва умидбахш истиқболи ҳақида қисқача маълумот бермоқчимиз. Зотан, у XX асрлик тарихни қамраб ололмаслиги ўз-ўзидан маълум. Келгусида Наврўз ҳақида кўплаб тадқиқотлар ўтказилиши, публицистик асарлар, китоблар яратилиши шак-шубҳасиз. Бизнинг мазкур мақоламиз Наврўзнинг асл моҳиятини кенг ёшлар оммасига етказишда бироз бўлса-да, кўмаклашса, муаллиф ўз олдига қўйган асосий вазифасини адо этган бўлур эди.

МОЗИЙГА БИР НАЗАР

НАВРЎЗНИ НИШОНЛАШ Ўрта Осиё ва қатор Шарқ мамлакатларида қадим даврда вужудга келган удум. У аста шакллана бориб, маълум расм-русм, урф-одат, кундалик турмуш эҳтиёжлари заминида таркиб топиб, анъанага айланган.

Хўш, Наврўзнинг ёши нечада? Бу саволга турли жавоблар олинишининг сабаби нимада? Қатор манбаларда Наврўзнинг кўҳналиги ҳақида ривоятлар келтирилади. Энг тўла маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар Абу Райҳон Беруний (973-1049 йиллар), Умар Ҳайём (1054—1131) асарларида келтирилади. Кейинчалик эса Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида ҳам Наврўзнинг байрам қилиниши таъкидланади.

Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида: «У кунни Наврўз деб аташнинг сабаби шуки, Жамшид[1] подшоҳ бўлгач, мажусийлар динини янгилади ва бу иш қилинган кун «Наврўз» — «янги кун» деб аталди».

Умар Ҳайём ҳам «Наврўзнома» асарида Наврўз нишонланиши ҳақидаги ривоятларни подшоҳ Жамшид даврига тақайди. Жамшид шу кунни (Фарвардин ойининг боши) Наврўз аталсин, деб фармон берди ва одамларга ҳар йили Фарварднинг киришини байрам қилишни, уни янги йил деб ҳисоблашни буюрди», — деб ёзади Умар Ҳайём.

Хуллас, ривоятлардан икки хил хулоса келиб чиқади: биринчиси — Наврўз билан боғлиқ ривоятларнинг кўпи подшоҳ Жамшидга мансуб воқеалардан иборат; иккинчиси — бу ривоятларда Наврўзни белгилашда табиат қонуниятларига амал қилингани маълум бўлади.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг бир ғазалида Наврўзда тун билан куннинг баробарлашувига ишора қилиниши уни табиат қонунлари асосида нишонланишини билдиради.

Васли аро кўрдим, тенг эмиш
бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан, зоҳир ўлур
бўлди чу наврўз.

Яъни, бу мисраларнинг шарҳи, висолига эришгач, кўрдимки, маҳбубамнинг бўйи билан узун сочи (оқ бадан билан қора соч) Наврўздаги кеча билан кундуздек тенг экан.

Наврўз ҳақида турли маълумотлар Маҳмуд Қошғарийнинг (XI аср) «Девону луғатит турк» асарида ҳам баён этилади.

Булардан ташқари қатор ёзма манбаларда ҳам Наврўзнинг қадимийлигига ишора этувчи талай ривоятлар мавжуд. Лекин асосий манбалардан хулоса чиқарадиган бўлсак, Наврўзнинг ёши камида икки минг йилга тенглиги маълум бўлади.

МАРОСИМ ВА УРФ-ОДАТЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

АНЪАНАГА АЙЛАНГАН ёхуд айланиб бораётган маросим, удум, урф-одатлар авлоддан-авлодга ўтиб борувчи ижтимоий, ахлоқ ва муносабатларнинг умумлашган нормаларидан ҳисобланади. Улар милий, маданий, ижтимоий жиҳатдан тарихий тараққиёт талабларига жавоб бера оладиган пайтгача тараққийпарварлик ролини ўйнайди.

Миллий маросим ва удумлар, урф-одатлар, анъаналар ҳар бир халқ тарихий ривожланишининг маҳсули ўлароқ, унинг яшаш шароити, муҳити ва биргаликда ишлаши ҳамда ҳамкорлик қилиши натижасида вужудга келади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўрта Осиё халқлари тарихан бирликда, бир ҳудудда қўшни бўлиб яшаганликлари туфайли у ёки бу халқнинг урф-одатларида бошқа халқларга мос томонлар учрайди. Шунингдек, уларда барчасига хос умумий жиҳатлар ҳам мавжуд. Демак, маросим, урф-одат ва анъаналарда умумийлик ва хусусийлик, ижобий ва салбий томонлар ҳам бўлади.

Тарих, археология, этнография, адабиёт ва санъат асарлари асосида турли халқлар ҳаётини ўрганиш ҳамда қадимги замон халқларининг диний эътиқодларини олимлар томонидан текширилиши натижасида маросим ва урф-одатларнинг кўплари дин пайдо бўлмасдан аввал юзага келганлиги аниқланган. Маросим ва одатларнинг аксарияти, аввал ижобий роль ўйнаган, кейинчалик уларга ҳукмрон эзувчи синфлар диний тус берганлар. Лекин Ўрта Осиё халқлари орасида, жумладан, ўзбек халқининг қадимдан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган кўплаб маросим ва урф-одатлари мавжуд. Ватанга садоқат, меҳнатга меҳр-муҳаббат, кексаларга ҳурмат-эъзоз, бир-бирига кўмаклашиш, ҳашар, меҳмондўстлик, саломлашиш, миллий спорт ўйинлари (от пойгаси, улоқ, полвонлар кураши, қизиқчилик, аскиябозлик ва бошқалар) фикримизга далил бўла олади.

Бироқ, Наврўз, никоҳ, дафн ва бошқа маросимларнинг келиб чиқиш тарихини таҳлил қилсак, уларнинг ислом динидан аввал вужудга келгани, кейинчалик диний тус олганини билиш қийин эмас. Чунончи, Наврўз исломдан аввал мавжуд бўлиб, халқимиз томонидан янги йил байрами сифатида нишонланган. Ўрта Осиё халқлари қадимда янги йилни баҳор келиши билан ҳисобга олганлар. Маълумки, баҳор кириб келиши билан қиш бўйи уйқуда ётган жониворлар, қурт-қумурсқалар, дарахт ва гиёҳлар — умуман бутун табиат уйғонади. Ривожланиш фасли бошланади.

Ўрта Осиёда ислом дини зўрлик билан сингдирилгач, руҳонийлар Наврўз байрамини йўқ қилишга уриниб кўрдилар, лекин унинг қанчалар илдиз отиб кетганини, халқнинг дилига жо бўлиб қолганлигини кўргач, ундан усталик билан фойдаланиш йўлини излаб, диний қобиққа ўраганлар.

Наврўзнинг диний тус олишини ўз тарихи, ижтимоий-сиёсий сабаблари бор, албатта. Маълумки, барча Шарқ халқларида (Хитой, Корея бундан мустасно) Наврўзни янги йил сифатида байрам қилиш одати мавжуд. Барча Шарқ халқлари ҳам баҳорнинг дастлабки кунларини катта тантана билан ўтказадилар. Бу қадимий одат ислом дини бутун Шарқни эгаллагандан кейин (бу ўринда Хитой, Корея, Ҳиндистоннинг бир қисми, Бирма бундан мустасно) байрам ўтказиш лозим, деб ташвиқот тарғиб қилувчи араб хўжалари халқнинг асрий байрамларига, шу жумладан Наврўзга диний тус бера бошлаганлар. Улар халқ орасида муҳаррам ойида Муҳаммад Маккадан Мадинага кўчган, шунинг шукронасига байрам ўтказиш лозим, деб ташвиқот юргазганлар. Наврўзда пишириладиган ҳосил таоми ҳисобланган сумалакни ҳам Биби Фотима таоми дея эълон қилганлар. Умуман, Наврўзни аста-секин диний элементлар билан «бойитиб», уни ислом байрамига айлантиришга муваффақ бўлганлар. Шунинг учун ҳам Октябрь инқилобидан сўнг дин давлатдан, мактаб диндан ажратилгач, Наврўз Туркистон ўлкасида диний маросим сифатида тақиқланган.

3

Инқилоб ғалабасидан сўнг ўн йиллар давомида, янги ҳаёт нашидасига тоза тўйиб, 50-йилларнинг охирлари, 60-йиллар бошларида «саводи» чиққан халқимиз Н. С. Хрушчев демократияси шамолидан баҳра олиб, ўз ўтмишини эслаб, ундаги унут бўлаёзган маънавият мулкларини қумсаб, оҳиста Наврўзни қуча бошлади. Бу улуғ ишга қаламкашлар: дастлаб журналистлар, кейинчалик шоир ва адиблар, санъаткор ва олимлар, маданият ходимлари доялик қилишди. Бошқача қилиб айтганда, оммавий ахборот воситаларининг ташаббуси билан Наврўз қайтадан оламга келди. Бунда, албатта, ўша даврдаги нуроний отахону онахонларимизнинг ҳам хизматлари катта бўлди.

Ўша йиллар Наврўзга қўл «урмаган» бирорта ижодкор қолмади чоғи. Адабиёт ва санъатимиз, фанимизнинг буюк намояндалари Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Қори Ниёзий ва бошқа алломаларимиз ҳам бу улуғ ишдан четда қолишмади.

Наврўз кунлари газета ва журналларнинг бутун бошли махсус сонлари чиқарилди, радио ва «зангори экран»дан баҳор шодиёнасига бағишланган кўркам ва мазмундор эшиттиришлар, кўрсатувлар сурункасига жой олди.

Йиллар ўтиши билан Наврўз аста-секин диний элементлардан халос бўла борди. Бу ишни ҳам халқнинг ўзи ҳеч қандай фармонсиз, буйруқсиз амалга оширди, ўзининг кўҳна маданиятини тиклади, замонавий мазмун билан бойитди. 70-йилларнинг охирларига келиб, Наврўз коммунистик тарбиянинг қудратли комплекс иш шаклига айланди. Халқ томонидан қайтадан яратилган Наврўз яна унинг ўзига хизмат қила бошлади. Бу даврга келиб, бу байрам фақат ўзбек халқининггина эмас, балки жумҳуриятдаги бошқа халқларнинг, миллат ва элатларнинг ҳам баҳор байрамига, меҳнат шодиёнасига, дўстлик тантанасига айланди!

Наврўз фақат Ўзбекистонда эмас, қардош Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон, Озарбайжон диёрларида ҳам айнан шундай машаққатли йўлни шараф билан босиб ўтди, умумхалқ байрамига айланди. Айниқса Озарбайжон, Тожикистонда ўтказиладиган байрам оммавийлик, умумдавлат тусини олди.

Наврўз қайтадан туғилгач, ўтган чорак аср давомида, у айниқса диний элементлардан, расм-русумлардан тўла халос бўлгандан кейин бирор бир кимса у ҳақда ёмон фикр билдира олмади. Заррача бўлса-да, қандайдир зарари борлиги ҳақида баҳона тополмади. Аксинча, ишчи-ю, деҳқон, қурувчи-ю чорвадор, шоиру олим, ёшу қари — барча турли миллат вакиллари Наврўздан фақат фойда борлиги, инсонга куч-қувват, яхши кайфият бахш этиши, одамларни бир-бирига яқинлаштириши ҳақида тўлиб-тошиб гапиришди.

Наврўз жумҳуриятимиз ҳаётининг таркибий бир бўлагига айланди, аҳолининг жон дили, қон-қонига сингиб кетди, ҳақиқат қарор топиб, бу байрам ўзига муносиб ўрин эгаллади. Лекин ана шундай шароитда кутилмаганда замонавий Герострат пайдо бўлди. У Наврўзни тақиқлаш ҳақида фармон берди, унинг номи кўҳна тарихимизга қора ҳарфлар билан битилди. Бир кишининг амри билан умумхалқ байрамини нишонлаш тўхтатилди. Йигирма миллионлик жумҳурият аҳлидан вақтинча бўлса ҳам ана шу калтабин шахс кучли чиқди. Унинг «ақлли» кўрсатмасини минглаб кишилар дастур билдилар. Бундай худбинлик, калтабинлик фақат Ўзбекистондагина содир бўлди, холос. Ўрта Осиёдаги бошқа жумҳуриятларда, Қозоғистон ва Озарбайжонда Наврўз илгаригидек тантанавор ўтаверди. Кўпгина ўзбекистонликлар қўшни жумҳуриятларда пинҳона Наврўз байрамига қатнаб ҳам турдилар.

Ана шундай қилиб, Наврўз ўша даврда жумҳуриятимизда тақиқланди, унинг кўҳна тарихига тош отилди...

ЎША КУН ҲАМОН ЁДИМДА

У КУНЛАР жумҳуриятимизда ижтимоий-маънавий муҳит дарз кетган, унга путур етган, барча ишлар фақат ёмонликни кўзлаб «сеҳрли кўзбойлаш остида» амалга оширилган, деган тушунчалар ҳавода кезиб юрган онларга тўғри келади.

Наврўз бошига қора кунлар тушган ўша даврда мен кўплаб ишчилар, зиёлилар, талаба ва олимлар пахтакор ва чорвадорлар, ижодкор ва партия ходимлари билан мулоқотда бўлиб, фикр алмашганман. Улар Наврўзга фақат ижобий баҳо беришган. Қуйида ана шулардан бир шингилни сиз ҳурматли муштарийлар эътиборига ҳавола қиламан.

Адолат РЎЗИМАТОВА, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, моҳир пахтакор:

— Ўзбек халқи маданиятини Наврўз байрамисиз тасаввур қила олмайман. Бу фақат кўнгилочар байрамгина эмас, халқимиз уни катта меҳнат байрами ҳам деб билади. У бободеҳқонларимизнинг қанчадан-қанча ишларини битишига кўмак берган. Ахир ҳатто фазогирларни ҳам бободеҳқоннинг ерга тўккан пешона тери боқади-ку...

Назрулла МАННОПОВ, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, уста-ишчи:

— Телевидение ва радионинг Наврўзга бағишланган махсус эшиттиришлари, газета ва журналларнинг махсус сонлари биз ишчиларга ўзгача завқ-шавқ бағишлашини айтмайсизми! Кўкламнинг илик узилди кунлари сумалакнинг, ҳалимнинг белга қувват бериши, байрам кунлари барча бир тан, бир жон бўлиб ҳашарга чиқиши ҳар жиҳатдан нақд фойда-ку, ахир. Наврўзнинг ёшларни тарбиялашдаги тутган ўрни алоҳида мақтовга лойиқ.

УЙҒУН, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири:

— Биз ота-бобомиз яратган маданий меросимизни оёқ-ости қилишимиз куфрликнинг ўзгинасидир. Наврўздан воз кечиш, уни инкор этиш бориб турган сиёсий шапкўрликнинг нақд ўзгинасидир. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Кўп асрлик, қадимий халқ удуми бўлмиш Наврўзнинг ўрнига аллақандай сунъий «Навбаҳор»ни ўйлаб топиш қайси «ақлли» бекорчининг хаёлига келдийкин? «Дўпписини олиб кел» деса, «бошини олиб келадиган» журналист, шоирларимизнинг жумҳурият газета-журналларида жонсиз «Навбаҳор» ҳақида аюҳаннос солишлари кишини ниҳоятда ранжитди.

Собир ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Сиёсий маориф уйининг мудири (ўша кезлар Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси давлат қўмитасининг раиси, жумҳурият журналистлар уюшмасининг раиси бўлган):

— Мен узоқ йиллар давомида хизмат юзасидан ўлкамизнинг турли бурчакларида Наврўз байрамини тайёрлаб, ўтказишда иштирок этганман. Бирор марта бу маросимларда диний элементларнинг қўлланганлигини билмайман, аксинча, Наврўз байрами халқимизнинг инсонпарвар одатларини комплекс равишда бирлаштириб, меҳнаткашларни она-Ватанга меҳр-муҳаббат, меҳнатга ҳурмат руҳида тарбиялади, уларга олам-олам завқ-шавқ бағишлади.

Наврўз биз учун ниҳоятда зарур байрам.

Бундай фикр билдирган одамлар жуда кўп. Фақат ўз ўтмишини унутган айрим ёмон ниятли шахслargina ўзбек халқи, бутун жумҳуриятимиз тарих сўқмоқларида руҳонийлар томонидан диний сарпога ўралган, лекин давримизда улардан холи бўлиб, янги мазмун касб этган, таълим-тарбиянинг қудратли омилига айланган Наврўздан жудо қилолмадилар.

Ҳалим, сумалак — Наврўзнинг гултожисидир. Ҳаётбахш кўклам таомларини тайёрлаш жараёни, қозон бошида «сеҳргарлик» қилаётган отахонлар (ҳалимда), онахонлар (сумалакда) ва бошқа ёш-яланглар, туни билан мижжа қоқмай чиққан сипо «ҳалимчи»ларнинг сирли ҳаракатлари-ю, «сумалакчи»ларнинг ўйин-кулги, лапарлари, айтишувлари — буларни бир сўз билан таърифлаш қийин. Бундай эзгулик қатнашчиларининг диллари ҳам, ички дунёлари ҳам покланади, руҳлари енгил тортади. Шундан бўлса керак, Наврўз байрами кунлари қадимдан то шу пайтгача бирорта жиноят содир бўлмаган... Аксинча уришган одамлар ярашишган, гина-кудратлар унут бўлган, инсон меҳри тобланган. Бу кунларда ҳатто давлатлар орасидаги урушлар ҳам тўхтатилган.

4

Қишдан кейин илик узилди пайтидаги ичи лиқ тўла витаминдан иборат бир пиёла сумалагу, икки қошиқ ҳалимнинг, кўк сомса-ю, чучваранинг ҳаётбахш кучини таърифлаш мушкул.

Наврўз нима учун айни 21 мартда нишонланади? Янги йил байрами ҳисобланишининг сабаби нимада? Бу саволларнинг туғилиши табиий. Шунга қисқача жавоб бериб ўтамиз.

Григорион услубидаги 1 январда бошланадиган Янги йил билан Наврўз янги йилини солиштириб кўрсак, биринчиси шартли равишда, декрет орқали нишонланишининг гувоҳи бўламиз. Ҳақиқатан 1 январь қиш фаслининг ўртаси, табиат уйқуда, унда ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

Мамлакатимизда март, апрель, май ойларини шартли равишда баҳор фасли деб аташ қабул қилинган. Бироқ, табиат қонунига кўра, бу фасл Ернинг шимолий ярим шарида баҳорги кеча билан кундуз тенг келган кундан, ёзги қуёш турғунлигигача, яъни кундуз энг узоқ, кечаси энг қисқа бўлган кунгача давом этади. Бу 20-21 мартдан 21-22 июнгача бўлган фурсатдир. Айтишларича, баҳорнинг ўша биринчи кунида ер остида уйқуда ётган илонлар ҳам бир ағдарилиб олар эмиш. Бу чиндан табиатнинг, она-ернинг бағридаги жами махлуқотнинг, қурт-қумурсқалар ва ўт-ўланларнинг уйғониши, жонланиш давридир. Шунга кўра Ўрта Осиё ва Шарқ халқларининг талай қисми 21 мартни қадимдан Наврўз (янги кун — янги йил) деб байрам қиладилар.

Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида қуёш йили ҳисобида йилнинг биринчи ойи ҳисобланган Фарвардин ойи тўғрисида сўзлаб, «Бу ойнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони тақозо этади. Наврўз эронликлар зичлари бўйича ўтмиш замонларда, улар йилларини қабисали қилган вақтларда Қуёшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келадиган бўлди, сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг дастлабки томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда (шаҳват) қўзғалишидан то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунча давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўзи оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

Демак, Беруний «орқага сурилгач» деган иборада Қуёшнинг Ҳамал буржига кириши, кеча билан кундузнинг баробар келиши (22 мартга ўтиш) вақтини назарда тутади. У Наврўзнинг борлиқ — табиат қонуниятига мувофиқ ҳолатини асослабгина қолмай, у билан боғлиқ бўлган турли маълумот ва ақидаларни ҳам баён этган.

Ана шулардан кўриниб турибдики, Наврўзни янги йил сифатида, янги йилнинг биринчи куни сифатида нишонланишида табиат қонунларига, астрономик принципга амал қилинган.

Наврўзи олам ҳозирги кунда ҳам ўз тароватини, нафис жозибасини йўқотгани йўқ. Аксинча, Наврўз янги замонавий маросим, расм-русумлар билан бойиб, тобора гўзаллашиб, халқимизни янада кўпроқ хушнуд этиши учун жумҳуриятимизда эркин, шунга мос вазият вужудга келмоқда. Бу қайта қуриш, демократия, ошкоралик самарасидир!

Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой бобо!
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой момо!
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой Она!
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

* * *

Ҳой, боғбон бобо, ниҳолга берсин барака!
Ҳой, деҳқон бобо, далангга берсин барака!
Ҳой, чўпон бобо, қўрангга берсин барака!
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

---

1. «Қадимги Эрон подшоҳларидан бири, у ўз салтанати даврида анчагина инсонпарвар тадбирлар жорий этганмиш. Жумладан, давлат тузган, одамларни табақаларга ажратган, кийим кийишга ўргатган ва ҳоказо.

Шу сонга хабар

Ўсмир ўғрилари ушланди

6 март куни кечки пайт навбатдаги машғулотга отланган йигитча тўсатдан ўзига ташланган хирсдай бақувват икки номаълум шахсга қаршилик кўрсатишга ҳам улгурмади. Пиёдалар йўлагидаги сийрак йўловчилар қандай воқеа юз бераётганини тушунишмади. Ҳаммаси кинолардагидек бўлди. Зўрлаб ўтқазилган ўсмир тушган номерсиз «Жигули» катта тезликда кўздан ғойиб бўлди.

Бу ҳолни дераза ойнасидан беихтиёр кўриб қолган муаллима ҳодиса сабабини аниқлаш мақсадида танишларига қўнғироқ қилди. Беҳосдан ёғилган кулфат ота-онани довдиратиб қўйди, албатта. Орадан таҳликали уч соат ўтди. Бир пайт телефон овози жиринглади.

— Болангиз керак бўлса, 30 минг сўмни тайёрланг. Биз айтган жойда, белгиланган вақтда талаб қилинган маблағ ҳозир бўлиши шарт. Олдиндан огоҳлантириб қўяйлик, милицияга хабар бериш оқибати хунук тугаши мумкин.

Нариги томондаги кимса телефон дастасини қўйган заҳоти ўсмирнинг ота-онаси ягона тўғри чорани қўллаб, Куйбишев ноҳия ички ишлар бўлимига мурожаат этди. Тунги қўнғироқдан Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бошқармаси оёққа турди. Шошилинч тузилган оператив-тергов гуруҳига жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги Вадим Владимиров, бошқарма ходимлари Асқар Зиёвиддинов, Мансур Ҳакимов, Ботир Саъдуллаевлар раҳбарлик қилишди. Гуруҳга энг тажрибали, синалган ходимлар жалб этилди.

Бу орада ўсмирнинг ота-онаси қариндош-уруғлари, танишбилишлари ёрдамида жиноятчилар мўлжалидаги пулни тўплади. Шартда кўзда тутилганидек, 7 март куни пул машина капоти устида қолдирилиб, ҳайдовчи юз метрга нарига бориб турди.

Тушки пайт паст тезликда кажавасиз «Урал» мотоциклида машинага яқинлашган йигит капотдаги пулга қўл узатиб, темир отини наъра торттириб йўлда давом этади. Шу заҳоти режалаштирилган қўлга олиш операцияси амалга оширилди. Ҳавога огоҳлантирувчи ўқ узилишига қарамасдан мотоциклчи тўхташдан бош тортди. Тор кўчалардан бирига етиб олса, қўлга олиш чиппакка чиқиши мумкинлигига кўзи етган милиция майори Асқар Зиёвуддинов ўзининг шахсий енгил автомашинаси билан мотоциклни Новомосковский кўчасида четга сиқиб чиқарди. Пиёда қочишга уринган жиноятчи узоққа боролмади, у қўлида ашёвий далил билан ушланди.

Текшириш давомида мотоциклчининг беш нафар шериги аниқланиб, улар кўп ўтмасдан қўлга олиндилар. Милиция капитани Ботир Саъдуллаев шаҳардаги институтлардан бири ётоқхонаси ертўласининг эшигини очиб, гаровга олинган йигитчани очиқликка олиб чиққанда, унга тирноқча ҳам зарар етмаганлиги маълум бўлди. Операция бошдан оёқ 12 соатни ташкил этди.

Ўсмирни ўғирлаб, гаровга олган олти нафар шахснинг беш нафари ҳеч қаерда ишламайди, биттаси илгари машина олиб қочгани учун маҳаллий қидирувда эди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, жиноятчи гуруҳни зарарсизлантиришда милицияга кўмаклашувчи ишчи отрядлари аъзоларидан икки нафари, оператив-комсомол отряди аъзоларидан тўрт нафари фаол иштирок қилди.

Олиб борилаётган тергов ҳаракатлари тўда аъзоларидан ҳар бирининг ушбу жиноий ишдаги «ҳиссаси»ни аниқлайди.

ДАЛАДА ПОРТЛАГАН ГРАНАТА

Шаҳар ташқарисидаги кимсасиз далага чўккан оғир сукунатни 8 март куни тунда қаттиқ портлаш овози бузди. Шундан сўнггина қотиб қолган бармоқларини уқалаётган жиноят-қидирув ходими эркин нафас олди. Чунки хиёл бурун хавотирланишига асос етиб ортарди.

Ярим кечаси аэропорт майдонида навбатчилик қилаётган Сергели ноҳия ички ишлар бўлими жиноят-қидирув оперативи вакили Комил Содиқовда такси автомашинасига ўтираётган икки кишининг хатти-ҳаракати шубҳа уйғотди. Оператив ходимнинг юраги сезган экан.

Уларни текшириш чоғида ўртага граната аралашди. Шубҳали шахслардан бири граната халқасини суғуриб, аэропорт майдонида портлатишга шайланди. Ярим кеча бўлишига қарамасдан гавжум аэропорт майдонида жанговар гранатанинг қанчалик хавфли эканини англаган милиция катта лейтенанти К. Содиқов ўзининг ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса-да, фалокатнинг олдини олишга киришди. Милиция ходими халқаси суғурилган гранатани эгри ниятли кимса қўлидан тортиб олишга муваффақ бўлди. Бўшроқ қўйилса портлашга ҳозир гранатани қўлига маҳкам қисганича салкам ўн минутча йўл босди. Фавқулодда ҳолатда эсанкираб қолмаган собиқ байналмилалчи жангчи гранатани кимсасиз пайкалда портлатиб юборди.

Қўлга олинган жиноятчилар ҳам анойилардан эмас экан. Илгари одам ўлдиргани, ўғрилик қилгани учун судланган термизлик Игорь Ломашев ва ўғирлиги учун ўтириб чиққан «Мода» кооперативининг юкчиси тошкентлик Анатолий Каринниковлар хатарли «шўх»ликлари учун жавоб беришади.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
жумҳурият ички ишлар нозирлиги матбуот маркази ходими, милиция капитани.

Истеъдодларга кенг йўл

Санъаткор ижод йўли бошланишидаёқ тақдир унга кулиб боққанлигини кўпам эсламайди... Бунинг акси ўлароқ, ажабланадиган ери шундаки, режиссёрлик дипломига эга бўлмаган ёш санъаткор «Ўзбекфильм» студиясида тўла метражли бадиий фильмни суратга олиш ҳуқуқига эга бўлди. Қувончли ҳол: Жаҳонгир Файзиев Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтининг толиби, унга кино усталари қаторида мустақил асар яратиш ишониб топширилди. Жаҳонгир ҳозир «Тошлар» фильмини суратга олишга тайёрланмоқда.

Ёш режиссёрнинг ҳамкасбларидан йигитнинг омади келганлигидан хурсанд бўлишди. Эҳтимол, бунда унинг меҳнатсеварлиги ва қобилияти катта аҳамиятга эга бўлгандир. Чунки Ж. Файзиев Тошкент «Илҳом» театр студиясида бундан илгари актёрлик билан шуғулланганди. Кинематография доираларига маълум бўлган иккита картинани суратга олганди. «Кадя» қисқа метражли фильми учта мукофот олганди. Киевда «Ёшлик-88» фестивалида «Дадиллиги учун» совринли билан Оберхаузенда бўлган халқаро фестивалнинг бош совринини ва Краков кино кўригида «Бронза аждар» совринини олган эди. Бошқа «Сиз кимсиз?» фильми эса илк бор ўтган йил ёз фаслида Москва Халқаро фестивалида намойиш этилди ва уни ГФР телевидениеси сотиб олди.

— Ўзбек киносига ўз дунёқарашига эга бўлган, мустақил ишлай оладиган санъаткор кириб келганлиги шубҳасиз, — дейди «Ўзбекфильм» студиясининг директори А. М. Хўжаев. — Жаҳонгирни ҳаётни ҳаддан ташқари қўрқалаб кўрсатишда неча бор танқид қилишганди. Лекин ўзини ҳам, томошабинларни ҳам чала ҳақиқат билан камситмайдиган ёш режиссёрнинг тутган йўли ўзи яратаётган асарларга ишонч уйғотди. Унинг қарашларида кўпинча аччиқ кинояга айланадиган истеҳзо бор, лекин бефарқлик йўқ. Бу ташқи кўринишдан фаровон туюлган муҳитни фош қилишга уринаётган санъаткорнинг қарашларидир. Биз унинг дарду-аламларини, барча виждонли санъаткорларга хос масъулият ҳиссини сезамиз. Жаҳонгирнинг бу фазилатлари унга мустақил ишлаш ҳуқуқини берди. У янги фильм сценарийсини аввалги асарлари билан бўлганидек тошкентлик адиб Ю. Дашевский билан ҳамкорликда ёзди.

Кейинги вақтларда «Ўзбекфильм» студияси томошабинларни ёш кинематографчилар яратган бир қанча асарлар билан таништирди. С. Назармуҳамедов ҳозирги замон мафкурачилари ҳақидаги ўткир сюжетли «Бўрилар» картинаси билан томошабинларни хушнуд этди. Ю. Собитов оддий ҳаётга қайтган «афғон»лик жангчилар ҳақида ҳикоя қилиб берди. И. Эргашев сталинизм даҳшатларини бошидан кечирган кишилар тўғрисида кинофильм яратди. А. Фатхуллининг «Маҳлуқми ёки бошқа нарсами!» фильмининг қаҳрамони ўз тенгдошининг бемақсад ўтган ҳаёт йиллари ҳақида фикр юритади. Дарвоқе, ушбу лента ҳақида матбуотда жуда кўп ёзилди ва у танқидчиларнинг ижобий баҳосини олди. Мазкур муаллифнинг аввалги — «Тирноқ изи» қисқа метражли фильми эса Оберхаузен фестивалида совринга сазовор бўлди.

Шу номларни санаб ўтишнинг ўзигина жумҳурият киносига ёш санъаткорларнинг умидбахш авлоди қўшилганлигидан далолат беради.

Зотан, бундан бир неча йил илгари студияда вужудга келган вазият ўткир мазмунли кинофильм учун хизмат қилиши мумкин эмас эди. Бу ерда катта ва ёш авлод ўртасида қизғин тўқнашувлар бўлганди. Ижодкор ёшларга нисбатан ишончнинг камлиги шундай тўқнашувга олиб келган эди.

Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтини тугатган А. Ҳамдамов режиссёр сифатида мустақил ишлаш имкониятини роппа-роса 13 йил кутди. Алишер Ҳамдамовнинг курсдошлари Темурмалик Юнусов, Юрий Собитов ва бошқалар ҳам беш, олти, ўн йил давомида мустақил ишлашни орзу қилиб, сабр-тоқат қилиб келдилар. «Эркин ижодкор»нинг орзу-ўйлари афсус-надоматга айланди, ўзининг ижодий имкониятларига ишонмайдиган бўлиб қолди. Студияда ёшларнинг имкониятлари тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса демасди. Аксинча, уларга «иккиламчи вазифаларни» кўпроқ бажаришни маслаҳат беришарди.

Бироқ, қизиғи шундаки, кескин рақобатчиликда ёшларнинг дадил фикрлашлари кўпинча одатдаги фикрларга тўғри келмас, бунинг натижасида кураш бошланиб кетарди. Бу курашда кўпинча куч ишлатилар, ҳатто руҳий зарба берилар, «мўътабар» оқсоқоллар уларни ўзларидан узоқлаштиришарди. Дарҳақиқат, қилишарди. Бу эса гуруҳбозликка сабаб бўлар, ҳатто ғаламисликка ўтилар.


Энди жумҳурият кинематографияси учун янги давр бошланди. Вазият кескин ўзгара бошлади. Санъаткорларнинг обрў-эътибори ва аввалги хизматлари эмас, балки муаллифнинг истеъдоди, гражданлик позицияси, маҳорати эътиборга олинмоқда.

— Катта авлод вакиллари тажрибасини камситмаган ҳолда биз кўпроқ ёшларга орқа қилмоқдамиз, — деб сўзида давом этди студия директори. — Бу эса ўз самарасини берди, кейинги уч йилда кинематографиямизда йигирмага яқин санъаткор ўзининг илк фильмини томошабин ҳукмига ҳавола қилди. Танқидчилар ўзбек киносида кино портлаши рўй берганлигини таъкидлаётганлиги тасодиф эмас. Бундай ижодий жўшқинлик мамлакатимиздаги бирор студияда йўқ бўлса керак.

«5» экспериментал студиясининг очилганлиги ёш кинематографчилар ташаббусини қўллаб-қувватлашнинг ёрқин намунаси бўлди. Унга Т. Юнусов бошчилик қилмоқда. Кинематографчилар уюшмасининг қатъий илтимосига биноан, студиянинг ташкил этилишига бир миллион сўм пул ажратилди. Ҳозирдаёқ ушбу ёшлар уюшмасидан кўп муаллифлар катта кинога йўлланма олдилар. Албатта, ёшлар яратган асарларнинг даражаси бир хил эмас, лекин кино танқидчиси Х. Абулқосимова таъкидлаганидек, «кино санъатига турғунлик йилларида камолга етган ёш авлод кириб келди. Худди шу нарса улар ижодига янада ўткирлик бахш этади, бўлиб ўтган ҳодисаларни дард билан ифодалашга ундайди. Ёшлар ўз қаҳрамонлари орқали бизни ўраб турган дунёни ҳис этмоқдалар. Уларнинг санъатга кириб келиши билан ўзбек киноси ривожида янги йўналишлар пайдо бўлди, уларнинг кўп асарлари манманликдан ва теварагимизда рўй бераётган воқеликка нисбатан бефарқликдан холидир». Ўзбекистон ёш киночиларининг Тошкентда бўлиб ўтган фестивали жумҳурият кино санъатига бизни қуршаб олган дунёга ўз муносабатини қатъий равишда, кўпинча муросасиз ифодалашга уринаётган қобилиятли ёшлар кириб келганлигини кўрсатди. Истеъдодлар олдида катта йўл очилди. Келинг, уларга оқ йўл тилайлик. Улар изласинлар, ижод қилсинлар!

Э. ТУХФАТУЛЛИНА, ЎзТАГ мухбири.

Нишона



Хайрулло УБАЙДУЛЛАЕВ 1970 йилда Хўжандда туғилган. ТошДУ журналистика факультетининг II курс талабаси. У анчадан буён насрда қалам тебратади. Унинг ҳикояларини барча бирдек қабул қилолмас. Аммо, Хайруллонинг машқлари чуқур образлилиги, фалсафийлиги билан ажралиб турганини сезиш қийин эмас.

Қуйида унинг ана шундай машқларидан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Шамолга аталган эртаклар

(Ҳикоя)

Чигиртка туннинг сиёҳидан қўрқиб унга мадҳ ўқиётганида дарвозанинг очиқ, қўш табақалари тушига Висол кирарди. Маъюсгина ғижирлаб, яқинлашиб-яқинлашмай, оҳис-та-аа, эптикиб бирлашиш—Висол! Табақалар беш кунлик дунёда «ихтиёр» деган нарсани билганларидан, билганда ҳам Туннинг ўзларига насиб қилмаганидан ғижинишар, нафратланишарди. Шамолнинг эса иккита ихтиёри бор эди. Ўзиники ва дарвозаники... Тунда Шамол табақаларни ҳадеганда бирлаштиравермай, қонига ташна қилишни ёқтирарди...

Барибир бу эрмакни у ўзидан ўзгага раво кўрмай, инжиқлик қилишини қариб, эрмакталаб бўлиб қолганлигига йўйса буларди.

Ҳилвираган Шамолнинг ёши салтанатидан анча улуғ эди. Шунданми, у бу макондаги (тап-тақир кенглик....) ҳеч нарсани писанд қилмасди. Писанд қилмайди, дедик, аммо эътиборсиз эмас. Назарга илмасликни ўша Ҳеч нарсаларнинг ўзи ҳам қотириб ташларди. Яшин уриб қуриган дарахт аввалгидай эгилиб, унинг қучоғида яйрамас, сувсиз қудуққа яқинлашгач, қулоқни қоматга келтирадиган ҳуштагидан ҳуши айрилаёзарди. Кўзларида шўх-Ёвузлик, қандайдир қариялар қарашида учрайдиган донишмандлик муқим эди. Унга алам қиладигани — касбининг асослари бўлмиш Бетартиб-Беқарорлик ва Сабрсизликнинг шармандаларча Тоқат — Сарамжомликка тиз чўкканликларида, таслиму қул бўлганликларида эди. Бечора Шамол кимни айблашни билмасди. Ҳаммасидан ошиб тушгани, қора Туннинг назарида гўё унинг учмаслиги, одамлардай юришида эди. Туннинг муболағаси билан у «эмакларди». Гоҳида лаънати ҳабашни ҳаром қотирадиган — Тун уни масхаралаб, «чумолини учиришга қурби етмас, эчки соқол» дер, чорасиз Шамол унга Туннинг устидан ҳокимлик қилишни раво кўрмаган Тангрини қарғарди. Ана шунда у ер юзидан (қаролиқда) ҳабашни ҳаром қотирадиган Тунни худонинг салтанатига бадарға қиларди. Афтидан, Оллоҳ шуни олдиндан билгану, Шамолни фуқаро, Тунни шоҳ этиб яратган. Аслида эса унинг умрида денгизу дарё тошди, қатор-қатор карвонни қум ютди, энди эса қашшоқ ҳам... Йўқ, агар айнан олсак, у ҳозирги кундан қатор ҳар қандай ҳашаротни чирпирак қилиши мумкин. Аммо, Тундай ярим худодан танбеҳ эшитиш, ҳар қандай чумолига майна бўлишдан минг марта афзал эди. Чигиртка тундан қўрқиб, унга мадҳ ўқиётганида, дарвозанинг очиқ, қўш табақаларининг тушига Висол кирарди...

Нима бўлмасину, Шамол Дарвозанинг табақаларини ўйин қилишда уста бўлиб кетганди. Ойимқиз чап табақани, маҳбуб ўнг табақани бўғиртириб-сўкинтириб томнинг устига чиққанича, зўрға кучсизгина пуфлаб, мисқоллаб-мисқоллаб Дарвозанинг жонини оларди. Ўзини тарозига соларди. Йиғлатарди, ялинтирарди. Ғиййиқ, ғиййиқ ғиййжир-ғиййийиққ...

Махмур маҳбуб ўнг табақани Ойимқиз чап табақанинг мағрурлиги икки карра қийнарди. Ҳар галгидай Шамол ўзига ўхшаган инжиқ маликани ялинтирмоқчи бўларди. Икки ошиқнинг бошини қўшиш учун Дарвоза Шамолга аталган эртакларини бошларди. Унинг чеки йўқ бу кенгликда қандай қилиб шунчалар (айтгандай Дарвоза ҳеч қачон бир эртакни такрорламасди) камалакдай ранг-баранг эртак билиши ҳар қандай ҳайратга сазовор эди. Ана шу ранг-баранглик, эскирган ҳақиқат-афсоналарнинг руҳига ўтиришмас, Шамолнинг ҳам баъдига урганди. Ҳар тун ҳар хил эртак тўқийдиган Дарвозани ич-ичидан ёмон кўрса-да, Вақт олдида ўзининг нақадар ожизлигига тан бериб, тишини-тишига қўйганича ўтираверарди. Эртаклар Дарвоза билган ҳақиқатлар эсада, ундаги шахсларнинг исмсизлигига «эртак» номини оқларди, холос. Шамолга буларнинг ҳеч бири йўқ, муҳими Дарвозанинг ҳақиқатлари ҳам инсонларга хос сўзамоллик билан чатиб-битиб сўйлашида эди. Унинг эртакларида ёвузлар тўлғоқ тутган аёлларни қуйдиришар, ҳаммани бахтсиз қилиб «бахти ёрлар» ҳақида қўйлашарди. Ёки соатсозлар ўлкасидан қочиб кетаётган Вақтни ўққа тутган одамлар... Фақат эшитишни биладиган, тили йўқ кишилар... Шамол йиғи бошларди. Дарвозани суйгиси, ўлдиргиси, йиққиси, яшин билан яксон қилгиси, қудуқдай қуритгиси келарди, йиғларди, йиғлайверарди... Шамолга аталган эртаклар, шамолга аталган азоблар...

Ярим тунда мудраётган Дарвозанинг каломи битар, Шамол ҳам ортиқ ялинтирмай икки табақани қийқиртириб бирлаштирарди—ёпиб қўйди. Яна озроқ куттирса, маст қоровул чол уйқудан уйғониши ва ошиқ-маъшуқларни ўзи ёпиб қўйиши, энг даҳшатлиси дарвоза ана шундай думсиз шайтонни деб Шамолга эртак айтмай қўйиши мумкин эди. Қариб турган, тўридан гўри яқин сайёр Шамолга севимли эрмакни йўқотишдай азобга чидаб бериш осон буларми-ди?

Қуршапалаклар озод бўлишгач, тун қўйнига хаёллардай сассиз сингиб кетишди.

Шамол томдан тушди. Ўпишаётган табақаларга беҳис тикилганича увлаб ёмғирни чақираверди... Булут ойни қучоқлаганича юм-юм йиғлаб берди.

Тун тўшагини йиғиштираётиб, унга илашган Шамолнинг жонсиз танасини кўриб ранги қув ўчди. Шамол ўлиб қолганди. Тун оғир хўрсинлик билан Шамолнинг ивиган сочларидан ушлаб, Дарвозанинг остига қўйди. Мийиғида жилмайиб кираётган Кун Тунга сўз қотди:

— Куйинма, Дарвозабони бор юртга шамолнинг кераги йўқ, айниқса қариб қолгани...

Икки табақа ғижирлаб очилиб кетди. Ташқарида Ичкари ўтирарди. Адашган чигиртка кунга севги изҳор қилаётганида мудом махмур қоровул чол ҳассасини тарақлатиб чиқиб кетди. (Адашган чигиртка тунга севги изҳор қилаётганида мудом махмур қоровул чол ҳассасини тарақлатиб кириб кетди). Дарвоза табақаларига пичирлади.

— Бу одам тунда Ичкарини, кундузи Ташқарини қўриқлайди, болаларим! Махмур чолга Дарвозанинг Шамолга аталган эртакларини эшитиш бахти насиб қилмаганди ёки қуриган дарахтнинг яшил япроқларни орзу қилиши, қудуққа сув келиши билан мутаносиброқ эди...

Хайрулло УБАЙДУЛЛАЕВ.

«КАМАЛАК»


ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

УСТАЛАР БАЙРАМГА КЕЛИШДИ

Жумҳурият «Усто» бадиий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Хоразмдаги зонал устахонаси дурадгори Қурамбой Машариповга рамзий скрипка калити топширилди. Ўзбек халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Хоразм вилоят Шовот ноҳияси маданият бошқармаси устага ана шу ёдгорлик совғасини топширди. Қурамбой қўли билан яратилган рубоблар, доиралар, ғижжаклар, найлар ва дуторлар симфоник оркестрларда ва мусиқа билим юртларининг синфларида янграмоқда, музейларда ва кўргазмаларда намойиш этилмоқда.

Қурамбой Машарипов Хоразм халқ ҳунармандчилиги усталарининг учрашувида кўп йиллик изланишлари натижаларини тақдим этди. Урганчда ўтказилган байрамга Ўзбекистонининг кўп вилоятлари, Қорақалпоғистон, Туркманистондан меҳмонлар келишди. Амалий санъат буюмлари кўргазмасида уларнинг асарлари билан танишиш мумкин эди. Зарб берувчилар ва ёғоч ўймакорлари, рассомлар, кулолларнинг асарлари ижро маҳорати, нақшларининг жозибаси ва нафосати билан, миллий услубнинг гўзаллиги билан томошабинларни қувонтирди.

(ЎзТАГ).



Қашқадарё вилоятидаги М. Тошмуҳамедов номли мусиқали драма театрининг репертуари яна бир спектаклга бойиди. Фитрат асари асосида саҳналаштирилган «Абулфайзхон» асари XVIII асрда Бухорода рўй берган воқеаларни қамровчи тарихий асар бўлганлиги учун ҳам кўпчиликнинг диққатини тортаяпти. Уни театрнинг бош режиссёри Б. Назаров саҳналаштирди. Саҳна безакларини эса Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби С. Салимов яратган.

Суратда: спектаклдаги Улфат ролида артист Парда Номдоров (чапда), Абулфайзхон ролида Баҳриддин Раҳмонов.

Ш. ШАРОПОВ сурати. (ЎзТАГ).

ЕР ТЕВАРАГИНИ ВЕРТОЛЁТЛАРДА АЙЛАНИБ ЧИҚИШ

Ер теварагини Совет вертолётларида айланиб учишга тараддуд кўриш давом этаяпти. Шу учишнинг ташаббускорларидан бири таниқли адиб В. Д. ЗАХАРЧЕНКОдир.

— Василий Дмитриевич, аввало учиб ўтишнинг мақсади ва вазифалари тўғрисида гапириб берсангиз.

— Учиб ўтиш «Қайта қуриш: маданият ва раҳм-шафқат орқали тинчликка эришиш» шиори остида ўтади.

Вертолётларнинг ичига сайёранинг турли жойларида атмосфера, сув, тупроқ, ўсимликларнинг заҳарланиш даражасини тадқиқ қилиш учун экологик тезкор лаборатория жойлаштирилади. Биз бунинг натижасида ер шарининг экологик ҳолатини кўрсатувчи манзарага эга бўламиз.

Кўз клиникаси микрожарроҳлик бўлимидан С. Н. Фёдоров вертолётлар ичига ўзининг асбоб-ускуналарини жойлаштиради. Ерга қўнадиган жойларда беморларга кўзининг зиёсини қайтариш юзасидан беминнат хизмат кўрсатилади. Святослав Николаевич учиб ўтиш босқичларидан бирида иштирок этишга розилик берди.

— Учиб ўтишда қандай вертолётлардан фойдаланилади?

— Замонавий иккита «МИ-26» вертолётидан фойдаланишни назарда тутмоқдамиз. Бу 20 тонна юк кўтариш қобилиятига эга 56 тонналик вазн билан учишга қодир қудратли машина.

Уларга матбуот, радио, телевидение, кино, сураткаш мухбирлар, адиблар, жамоатчилик арбоблари вакиллари, ҳатто унча катта бўлмаган фольклор ансамбли жойлашади.

— Парвознинг маршрути қандай?

— Парвоз Шимолий Қутб, Канада, АҚШ, Куба, Жанубий Американинг бир қисми, Мексика, Аляска, Беринг Бўғози орқали ўтади. Экспедиция Узоқ Шарқдан Японияга, Кореяга, Хитойга, Филипинга тушади, Австралиягача боради. У ердан Сингапур, Ҳиндистон, Покистон орқали Туркия, Болгария, Греция орқали Африка қитъасига учиб ўтамиз.

Маршрутнинг умумий масофаси 75 минг километр, учиш тўрт ойдан ошиқ вақтни олади.

О. ШУМКОВ.

Синглимни кўрганлар борми?

Мен 21 йилдан бери синглим Насибани излайман. Ўзбек халқининг «Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи бошқа» деган ажойиб мақоли бор. Ёшим 30 да. Оиламиз бошига оғир мусибат тушиб, онам вафот этгач, иложсизликдан иккита синглимни болалар уйига топширганлар. Бири 1965 йили туғилган Эргашева Хадича, иккинчиси 1967 йилда туғилган Эргашева Насиба. Болалар уйига топширилганида Хадича 2 ёшли, Насиба эса 3 ойлик чақалоқ бўлган. Бир йилча уларнинг ҳолидан хабар олиб турдик. Кейин шу орада отам қамалиб кетди. Кейин бир-биримизни узоқ вақт кўролмадик. Эсимизни таниб, сингилларни қидира бошладик. Хадича синглимни Самарқанд шаҳридан топдик. Аммо Насибадан ҳамон дарак йўқ. Улар тарбияланган болалар уйига мурожаат қилганимизда, «бошқа жойга жўнатиб юборилган» деб жавоб беришди.

Лекин шу йил «Ўзбекистон маликаси» кўрик-конкурсида 2-номерли биринчи ўринни олган Эргашева Насиба деган қизни телевидение орқали кўрганимда, юрагимда бир илиқ умид уйғонгандек бўлди. Унинг таржимаи ҳолини тўлиқ эшитолмадим. Кўпдан буён бу ҳақда сизларга ёзмоқчи бўлиб юрардим. Лекин уни андижонлик дейишганини эшитиб, яна хижолат тортдим. «Ноумид шайтон» деганларидек, Насиба билан учрашиш ниятидаман.

Кўнглимниманидир сезаяпти. Балки у мен излаётган Насиба эмасдир. Лекин... Илтимос, менга ёрдам беринглар.

Отам Халил Эргашев, уч синглим, бир укам билан Самарқанд вилояти, Жомбой ноҳиясидаги А. Қурбонов номли совхозда яшайди.

Салом билан, Назира ЭРГАШЕВА.

Кейинчалик Қаюмова фамилиясига ўтганман. **Адресим: Сирдарё вилояти, Ворошилов ноҳияси, М. Горький номли колхоз.**

ТВ

11 МАРТ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

17.30 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Скрипкада ўйнашни орзу қилган паҳлавон». Мультфильм. 18.15 «Мушоҳада». Оилавий болалар уйлари ҳақида. 18.50 «Сув — ҳаёт мабаи». 2-кўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Насиба». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 Танбур ва дутор тароналари. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Шароф Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи?». Видеоспектакль. 23.30 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

10.00 «Хивача ажрим», «Подолянка». Фильм-концерт. 11.00 «Шафқатсиз романс». Бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Шунингдек, цирк ҳам». Телефильм. 18.50 «Китобчанинг викторинаси». 19.30 «Телетомошабин ҳамроҳи». 20.00 «Ҳафта». Информацион программа. 20.30 Борис Натетиев куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Лейтенант Некрасовнинг айби». Бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Чақалакзорда». Мультфильм. 9.25 «Спортлото» тиражи. 9.40 «Омадли аёллар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Вера». 10.55 Ёшлар ҳабарномаси. «Депутатлар мактаби». 11.25 «Кинопанорама». 12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

17.00 Болалар учун фильм. «Қизча отасини излайди». Бадиий фильм («Беларусьфильм»). 18.30 «Икки қалб». Анжела Чумак куйлайди. Кишиневдан кўрсатилади. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.50 «Пульс-90». Биз ва экономика. 20.30 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. Эркин программа. Канададан кўрсатилади. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Сайлес Марнер». Телевизион бадиий фильм (буюк Британия телевидениеси). 23.30 «Мезон». «Либераллар ва консерваторлар» мавзуида адабий баҳс. 1-кўрсатув. 23.50 «Қўшиқнинг туғилиши». Минскдан кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси.

10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.55 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Тарих. 8-синф. Н.М. Карамзин — рус тарихчиси.

13.05 «Капалакнинг парвози». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.25 Такрорий телефильмлар сеанси. «Оддий нарса ҳақида ҳикоя» «Ленфильм»).

* * *

17.30 «Ўтмиш хаёлимда». Севги ва оилавий бахт ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 18.00 Жан Тер -Меркерян чалади (АҚШ). А. Хачатурян. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт. Ереваидан кўрсатилади. 18.45 Мультфильм. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Вертикаль». «Кўзларимга бир қара». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. В. Шукшин ҳаётининг сўнгги йиллари ҳақида («Экран»). 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Хрюша — халоскор». 20.45 Бородин номли Давлат квартетининг концерти. 21.35 Гандбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Финал. Чехословакиядан кўрсатилади. 22.45 И. Архипова ҳамда СССР Давлат телерадиоси Катта симфоник оркестрининг концерти. Дирижёр — В. Андропов. 23.45 Спидвей. Жаҳон чемпионати. Финал. Швециядан кўрсатилади.

«Ёш ленинчи» рўзнома жамоаси редакция мухбири Норқобил Жалиловга отаси

Қодирбобо ЖАЛИЛОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

(Рўзномамизнинг навбатдаги сони 12 мартда чиқади).

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р — 03153. Д. — 23195.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.